КПСС XXV СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 70 (5674).

9 АПРЕЛЬ ЖУМА

1976 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.

17 АПРЕЛЬ — Коммунистик шанбалик куни

БЕШ ЙИЛЛИК ФОНДИГА

В. И. Ленин туғилган кунининг 106 йиллигига бағишлаб Коммунистик шанбалик ўтказиш тўғрисида москвaликлар бошлаб берган ташаббус Янгийўл саноат корхоналари коллективлари томонидан қизғин қўллаб-қувватланмоқда.

Шаҳардаги ёғ-мой комбинатининг КПСС XXV съезди делегати А. Панина меҳнат қилаётган экстракция цехи шу куни тежалган ёқилғи ҳисобига маҳсулот чиқариш ташаббуси билан чиқди.

Шанбаликда шаҳар ишчи ва хизматчиларидан 25 минг киши қатнашади. Шулардан 10 минг ишчи-хизматчи ўз дастгоҳлари ёнида бўлиб, юксак унум билан аъло сифатли маҳсулот ишлаб чиқарадилар.

«Қизил шанбалик» куни шаҳар корхоналарининг ишчи ва хизматчилари 138 тонна ўсимлик мойи, 100 тонна кондитер маҳсулотлари, 100 тонна пахта толаси, 6700 жуфт пойафзал, 20 тонна колбаса ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Ишлаб чиқаришда бевосита боғлиқ бўлмаган ишчилар, хизматчилардан 15 минг киши шаҳар кучалари, ҳиёбонлар, маданият ва истироҳат боғлари болалар боғчалари, мактабларини тартибга келтирадилар ҳамда қўқаламзорлаштирадилар.

Шу кунги иш ҳақининг ҳаммаси — 35 минг сўм ўнинчи беш йиллик фондига ўтказилади.

Т. ЮСУПОВ,
А. ШАРАФИЕВА.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА

ОЛМАЛИҚ ШАҲАР МЕҲНАТ КОЛЛЕКТИВЛАРИНИНГ 1976 ЙИЛ УЧУН ОЛГАН ОШИРИЛГАН СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Барча совет кишилари қатори областимиз меҳнаткашлари КПСС XXV съезди тарихий қарорларини зўр руҳланиш, улуғ Ватанимиз билан қонуний фахрланиш ҳис-туйғуси билан кутиб олдилар. Қўғина корхоналар ва ташкилотларнинг коллективлари мамлакатимиз коммунистларининг бу улкан анжуманига қарорларини маъқуллаб, унга меҳнатда янги-янги ютуқларга эришиш билан жавоб бериш мақсадида ўнинчи беш йилликнинг биринчи йили планини муддатидан илгари бажариш юзасидан зиммаларига қўшимча мажбуриятлар олмоқдалар.

Олмалиқ шаҳар партия-хўжалик активининг шу йил 3 апрелда бўлиб ўтган йиғилишида оширилган мажбуриятлар қабул қилинди. Бу мажбуриятларда пландагидан ташқари 15 миллион сўмлик ёки илгари қабул қилинган мажбуриятдагига қараганда 2,5 миллион сўмлик қўп саноат маҳсулотини реализация қилиш назарда тутилади. Концентратда мис чиқариш 33 процент, тозаланган мис ишлаб чиқариш 1,4 баравар, тозаланмаган мис ишлаб чиқариш 1,5 баравар ортади. Қишлоқ хўжалик эҳтиёжлари учун пландагидан ташқари 34 минг тонна минерал ўғит ишлаб чиқарилади ва реализация қилинади. Илгариги мажбуриятда эса 24 минг тонна ишлаб чиқариш назарда тутилган эди. Пландагидан ташқари 160 минг сўмлик мебель реализация қилиш таъминланади.

Давлат сифат белгиси билан рух ишлаб чиқариш 5 процент, кадмий ишлаб чиқариш 1,8 процент кўпаяди.

Уй-жойлар, маданий-маиший объектларнинг камн билан 95 процентн «аъло» ва «яхши» баҳолар билан фойдаланишга топширилади.

Область партия комитети Олмалиқ шаҳар меҳнат коллективлари партиянинг экономикани ва халқ фаровонлигини янада ривожлантириш учун ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини ошириш юзасидан КПСС XXV съездида ўртага ташлаган шиорини жанговар программа, амалий иш учун қўланма деб қабул қилганликларини ва бу шиорга ажойиб ватанпарварлик ишлари билан жавоб бераётганликларини мамнуният билан қайд қилади.

Область партия комитети КПСС XXV съезди тарихий қарорларига жавобан ўнинчи беш йилликнинг биринчи йили давлат планини муддатидан илгари бажариш учун зиммаларига оширилган социалистик мажбуриятлар олган Олмалиқ шаҳар меҳнат коллективларининг ватанпарварлик ташаббусини маъқуллади.

Олмалиқ шаҳар партия комитетига, шаҳар ижроия комитетига саноат корхоналари, қурилиш, транспорт ва алоқа ташкилотлари бошланғич партия ташкилотларига, қасаба союзлари шаҳар Советига мусобақа иштирокчиларининг куч-ғайратини меҳнат коллективларида ижодий активлик муҳитини вужудга келтиришга йўналтириш, ишчиларнинг унумли меҳнат қилишлари ва зиммага олган юксак социалистик мажбуриятларини сўзсиз бажаришлари учун зарур шароитларни яратиб бериш таклиф этилди.

Областдаги шаҳар ва район партия комитетларига, корхоналар ҳамда ташкилотларнинг бошланғич партия ташкилотларига Олмалиқ шаҳар меҳнаткашларининг КПСС XXV съезди тарихий қарорларини муваффақиятли амалга ошириш, 1976 йилда юксак марраларни эгаллаш, ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини оширишга қаратилган қимматли ватанпарварлик ташаббусини қўллаб-қувватлаш ва кенг ёйиш тавсия этилди.

«Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталари редакцияларига, область телевидение ва радио эшиттириш бош редакцияларига Олмалиқ шаҳар меҳнаткашларининг оширилган социалистик мажбуриятлар қабул қилиш бўйича бошлаган ватанпарварлик ташаббусларини кенг пропаганда қилиш, область меҳнат коллективлари 1976 йил планини муддатидан илгари бажариш юзасидан қабул қилган социалистик мажбуриятлар бажарилишининг боришини мунтазил ёритиб туриш вазифаси юклатилди.

(Газетамизнинг иккинчи саҳифаси Олмалиқ шаҳар меҳнат коллективларининг ана шу ватанпарварлик ташаббусларига бағишланган).

ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ районидаги машҳур «Политотдел» колхози. Хозир бу колхоз пахтакорлари чигит экишни қизғин давом эттирмоқдалар. 115 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 50 центнердан ҳосил етиштиришга аҳд қилган биринчи бригада аъзолари колхозда биринчи бўлиб чигит экишни бошлаб бердилар.
Суратда: бригада даласида чигит экиш пайти.
И. Глауберзон ва В. Сироткин фотоси.

СОВЕТ—ШВЕЦИЯ БИТИМИ ИМЗОЛАНДИ

7 апрель куни Катта Кремль саройида Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Швеция ўртасида савдо-сотиқ тўғрисидаги узоқ муддатли битим имзоланди.

Битимни Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ҳукумати номидан СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин;

Швеция ҳукумати номидан Швеция бош министри Улоф Пальме имзоладилар.

Ҳужжатни имзолаш чоғида Совет томонидан — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари, бошқа расмий кишилар; Швеция томонидан — бош министрга ҳамроҳ расмий кишилар ҳозир бўлдилар.

(ТАСС).

ЧИГИТ ЭКИШ ТУГАЛЛАНДИ

БЕКОБОД. 3-«Далварзин» совхозининг 6-бўлимидаги Юсуф Мирзаев бошлиқ бригада миршкорлари тўққизинчи беш йилликнинг якунловчи йилида ҳар гектар ердан 35,5 центнердан хирмон кўтардилар. КПСС XXV съезди қарорларидан руҳланган бригада аъзоматлари ўнинчи беш йилликнинг биринчи йилида гектаридан 40 центнердан ҳосил кўтариш учун курашни қизитиб юбордилар.

Улар районда биринчи бўлиб 73 гектар ерга чигит экиб бўлдилар. Бунда бригаданинг механизатори Э. Сулаймонов ва сеялкачи А. Қўшбоқовларнинг хизматлари катта бўлди.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА МАККАЖУХОРИ ЭКИШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1976 ИИЛ 8 АПРЕЛГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(планга нисбатан процент ҳисобида)

(Биринчи стун — районлар, иккинчи стун — дон учун, учинчи стун — силос учун).

Калинин	100,0	100,0
Чиноз	100,0	100,0
Қуйи Чирчиқ	100,0	95,8
Янгийўл	100,0	57,8
Бекобод	95,9	100,0
Ўрта Чирчиқ	90,2	74,6
Тошкент	86,5	68,3
Оққўрғон	86,2	91,3
Юқори Чирчиқ	82,5	81,1
Пискент	76,0	100,0
Бўка	75,6	84,7
Оржоникидзе	59,6	30,1
Бўстонлиқ	45,5	8,8
Оҳангарон	35,3	26,9
Область бўйича	89,7	76,8

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ШУ ЙИЛНИНГ УЧ ОЙИ ДАВОМИДА ДАВЛАТГА ТОПШИРИЛГАН СУТНИНГ СИФАТИ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи стун — районлар,, иккинчи стун — биринчи сорт, учинчи стун — иккинчи сорт.

Оққўрғон	89,4	7,1
Оҳангарон	73,4	20,5
Бекобод	56,3	2,1
Бўстонлиқ	90,6	9,2
Бўка	75,8	15,6
Юқори Чирчиқ	73,0	26,9
Калинин	56,8	24,3
Қуйи Чирчиқ	83,2	4,0
Оржоникидзе	66,5	28,1
Пискент	62,6	13,3
Ўрта Чирчиқ	68,8	30,8
Тошкент	74,9	20,3
Янгийўл	88,5	11,2
Чиноз	75,2	11,8
Область бўйича	74,1	16,5

БОҒ ВА ТОКЗОРЛАРДА АПРЕЛЬ ВА МАЙ ОЙЛАРИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН АГРОТЕХНИКА ТАДБИРЛАРИ

Илгари хабар берганимиздек, сабзавоткорлар, картошкачилар, полизчилар, боғбонлар ва соҳибкорлар область Советининг кенгаши бўлиб ўтган эди. Кенгашда апрель—май ойларида боғ ва токзорларда олиб бориладиган агротехника тадбирларига оид қимматли тавсиялар берилди.

Бу йил мева ва узумдан мўл ҳосил олиш учун апрель—май ойларида қуйидаги ишларни амалга ошириш керак.

15 апрелга қадар боғ ва токзорларни тўлдиришни тугаллаш, тупларнинг яхши авж олиб кетиши учун парвариш ишларининг сифатли бажарилишини таъминлаш зарур.

Шунингдек, ана шу муддат ичида токзорлардаги шпалерларни ремонт қилишни, ток очишни ва газагларга бойлашни тугаллаш лозим.

Янги боғ ва токзорларни ташкил этишни 10 апрелгача, тоғли районларда эса 15 апрелгача тугаллаш тавсия этилади.

Агарда кузда шудгорлаш ўтказилмаган бўлса, у ҳолда боғ ва токзорларда 10 апрелгача ерларни 25—30 сантиметр чуқурликда ҳайдаб қўйиш керак.

Кузда ерга фосфор, калий ўғити, эрта баҳорда эса азот ўғити солинмаган бўлса, у ҳолда ҳайдаш олдидан бир йўла қуйидаги миқдорда ўғит солиш керак:

Ҳосилга кирган боғларга; гектарига 120 килограммдан азот, 60 килограммдан фосфор ва 30 килограммдан калий; ҳосилга кирган узумзорларга; гектарига 120 килограммдан азот, 90 килограммдан фосфор ва 30 килограммдан калий солинади. Минерал ўғит билан бирйўла ерга 10—20 тонна ҳисобида гўнг солиб кетиш зарур. Шундай қилинса, ўғитнинг самарадорлиги анча ортади.

Тупларнинг ҳолати ва таъминан қандай ҳосил бериши мумкинлигига қараб май ойида асосий норманинг 50 процентн ҳисобидан минерал ўғит билан озиқлантирилади.

Тупроқни ишлаш ва ўғит солиш ПРВН-2,5 ёки НЮ-39 плуги билан бажарилади. У ДТ-75 трактерига тиркалади.

Тупроққа ишлов бериш ва ўғитлашни 15 апрелгача тугаллаш керак.

Ерда етарли нам сақлаш ва ҳосил берадиган дарахтлар ва токларнинг нормал ўсиши ва ривожланишига эришиш учун тупроқдаги намнинг ҳолатини ҳисобга олган ҳолда апрель ва май ойларида боғлар гектарига 800—1000 кубометр ҳисобидан бир сув берилади, токзорларга эса 700—900 кубометр ҳисобидан сув берилади.

Қумлоқ ва тошлоқ тупроқли ерларда суғориш нормаси гектарига 500—600 кубометр қилиб белгиланган. Суғоришлар сўнг намни сақлаш мақсадида культивация ўтказиш зарур.

Токзорларда новда-барглариниг қалинлашиб кетишининг олдини олиш ва ўсимликнинг яхши ривожланиши, қуёшдан яхши баҳраманд бўлиши учун май ойида хомток ўтказилади. Бу иш қисқа муддатда амалга оширилиши керак. Хомток жараёнида ҳосил оермайдиган тупларнинг шаклланиши учун кераксиз бўлган новдалар олиб ташланади. Тупларнинг шаклланишига керак бўладиган ва келажакда ҳосил беришн мумкин бўлган новдаларнигина қолдирилади. Хомтокни ток шураларган пайтда ўтказиш керак. Ана шунда ҳосил берадиган новдаларни ҳосил бермайдиган новдалардан фарқлаб олиш мумкин бўлади.

Ҳосилдорликни ошириш, меваларнинг ва узум бошларининг йирик бўлишини таъминлаш учун май ойида, узумнинг кишмиш навини гиббереллин билан дорилаш керак. Бунда 10 литр сувга бир грамм препарат солиниб, концентрат тайёрланади. Бир гектар ер учун 30 грамм гиббереллин ёки 300 литр суюқлик талаб этилади.

Юқори сифатли маҳсулот олиш учун зараркунанда ва касалликларга қарши кураш мақсадида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш керак:

Ҳосил берадиган боғзорларда олма қурти, шира ва бошқа зараркунандаларга қарши дарахтларнинг танаси, асосий ҳосил берадиган шохлари 2,5 процентли концентрат суюқлиги ёки метафос ва фазалон ёки трихлормет порошокларидан тайёрланган суюқлик билан пуркалади. Бунда 100 литр сувга 2,5 килограмм препарат солинади. Дарахтларда пайдо бўладиган ғўдда касалига қарши бир процентли бордоск суюқлиги ёки купрозан суюқлиги билан дориланади. Ун шудринг касаллигига қарши эса коллоидли олтингугуртнинг бир процентли суспензияси ишлатилади.

Қуртга қарши дорилаш дарахтлар гуллаб бўлгач (май ойининг бошларида) иккинчиси эса 1—15 кундан сўнг, яъни гуллаш тугаганидан сўнг (10—20 май) амалга оширилади. Бунда — 0,2—0,3 процентли фазалон препаратидан фойдаланилади (ҳар 100 литр сувга 200—300 грамм препарат солинади). Ёки фосфомид (рагор ёки БИ-58) препаратидан фойдаланилади. Тайёрланган суюқлик дори ОВХ-14 аппарати ёки ОВТ-1А типидаги вентилятор пуркагичи ёрдамида дарахтларга сепилади.

Фазалон йўқ бўлса, рогор қўлланилади. Мева дарахтларидаги ғўддачаларнинг ўсиб кетиши хавфи кутилса, у ҳолда бундай дарахтларга гуллаш олдидан (апрелнинг биринчи ярмида) ва гуллагандан сўнг 0,5—0,6 процентли хлороксис миси концентрацияси суспензияси ёки 0,5 процентли цинеб суспензияси суюқлиги пуркалади. Бир гектар ерга 1200—1600 литр суюқлик сарфланади. Бундай дорилаш бир йўла мева қуртига қарши ҳам амалга оширилади. Данакли мева дарахтларига ҳам касалликка қарши 0,4—0,6 процентли хлороксис миси (100 литр сувга 300—500 грамм хлороксис миси) суюқлиги пуркалади. Бу иш дарахт гуллаб бўлгач ва иккинчиси 8—10 кун ўтгандан сўнг амалга оширилади.

Токларда кул касаллигига қарши оҳак ва олтингугурт аралашмаси билан чанглатилади. Биринчи чанглаш кўк новдаларда уч-тўрттадан барг чиққанда, иккинчиси 8—10 кундан сўнг, учинчиси эса гуллаш тугагач, етти кун ўтгач ўтказилади. Аралашма икки ҳисса олтингугурт ва бир ҳисса оҳак порошоги қўшилиб, тайёрланади. бир гектар ерга 20 килограммдан 45 килограммгача аралашма сарфланади. Бунда ток тупларининг бақувватлилиги ҳисобга олинади. Олтингугурт ва оҳак порошоги аралашмасидан тайёрланган дори билан токнинг барча ветегация—усув органлари чанглатилади.

Ток новдаларида пайдо бўладиган қора дог касаллигига қарши новдаларда икки-уч барг пайдо бўлиши биланоқ бир процентли бордоск суюқлиги пуркалади. Шундан 8—10 кун ўтгач ана шундай суюқлик яна икки мартэ пуркалади.

Ғужумларга, узум бошларига тушадиган қурт касаллигига қарши туплар 0,2 процентли золон ёки рогор концентрати суюқлиги билан дориланади. 100 литр сувга 200 грамм, препарат солиниб, тайёрланади.

Бундай суюқликни биринчи пуркаш иши ёш новдаларда гул кўзга кўрина бошлаш олдидан, иккинчиси эса гуллашдан сўнг 15 кун ўтгач, учинчиси иккинчи дорилашдан сўнг 12—15 кун ўтгач амалга оширилади.

РЕЗЕРВЛАРНИ ИШГА СОЛАЙЛИК

Янгийўл район пиллачилари областда биринчилар қатори тўққизинчи беш йиллик планни муддатидан илгари ортиғи билан адо этдилар.

Ҳар қути қурт уруғидан 58 килограммдан ошириб ҳосил кўтарилиб, жами 701,3 тонна кумуш тола етказиб берилди. Пилла етиштириш ўтган беш йилликка нисбатан 130 тоннага кўпайди.

Район пиллачилари якунловчи йилда бой тажрибаларни ишга солиб, қабул пунктларига 140 тоннадан ортиқ кумуш тола топширидилар ва халқ хўжалик планини 106,3 процент қилиб бажаришга эришдилар. Ҳар қути қурт уруғидан олинадиган ҳосил пландаги 52,1 ўрнига 58 килограммни ташкил этди.

«Интернационал» колхози пиллачилари ўтган йили пилла тайёрлаш халқ хўжалик планини қарийб, 132 процент қилиб бажардилар. Жданов номли колхоз «кумуш тола» бунёдкорлари ўтган мавсумда ҳар қути қурт уруғидан 66,5 килограммдан ҳосил олиб, район бўйича энг юқори кўрсаткичга эришдилар. Шунингдек, «Коммунизм», «Партия XXI съезди», «Ленинизм» ва Фрунзе номли хўжаликларда ҳам ҳосилдорлик мунтазам 60 килограммдан юқори бўлаётир.

Ўтган йили район пиллачилари ўртасида ҳар қути уруғдан 100 килограмм ва ундан ҳам ошириб пилла етиштириш бўйича ватанпарварлик ташаббуси кенг қанот ёзди. Натижада районнинг 200 дан ортиқ таниқли пиллачилари 100 килограммдан ошириб «кумуш тола» етиштирдилар. 130 дан ортиқ пиллакор эса 90—100 килограммдан пилла ҳосили олди. «Коммунизм» колхозидан Арофат Турсунова, Раҳима Мансурова, Фрунзе номли колхозидан Хайри Йўлдошева, Турсунхон Мустафоева, Жданов номли колхоздан Кимсан Усмонова, Хайри Саидова, Ленин номли колхоздан Фозил Қўчқоров, Салима Расулова, Н. Ниёзов номли колхоздан Робинисо Аҳмедова, Тўхта Нишонбоева ва бошқа ўнлаб машъал пиллакорлар шахсий планларини икки баравар ва ундан ҳам ошириб бажардилар.

Район пиллачиларининг бу йилги режалари янада улкан. Улар давлатга планда белгиланган 130 тонна ўрнига 137 тонна кумуш тола етказиб бериш мажбуриятини олишган. Ўнинчи беш йиллик охирига бориб эса йиллик кўрсаткич 160 тоннага етказилиши керак. Бу вазифа масъулиятли, лекин реал вазифадир. Бунинг учун ҳар йили ҳосилдорликни 5—10 тоннага кўпайтириб бориш лозим бўлади.

Район хўжаликларида юксак мажбуриятга яраша мўл ҳосил олиш учун қандай тайёргарлик кўрилмоқда?

Область партия комитетининг рейд бригадаси аъзолари ана шу саволга жавоб олиш учун район хўжаликларида бўлиб, у ердаги тайёргарлик ишларини кўздан кечирдилар. Маълумки, ҳосилдорликни ошириш энг аввало мустаҳкам озуқа базасини вужудга келтиришга боғлиқдир. Бу соҳада район хўжаликларида кўпгина тадбирлар амалга оширилди. Мавжуд тутзорлар кенгайтирилди ва янги плантациялар ташкил этилди. Бу йил 800 минг туптан зиёд гибридли янги тут кўчатлари ўтказиш мўлжалланган эди. Ҳозирги кунгача 600 минг туптан зиёд тут кўчати экиб бўлинди, айрим хўжаликларда эса бу иш қизғин давом эттирилмоқда. Тут кўчати ўтказиш Фрунзе номли, «Интернационал», Жданов номли ва Ленин номли колхозларда яхши ташкил этилди. Бу хўжаликларда кўчат экиш барвақт тугалланиб, асосий эътибор қурт боқиладиган хоналарни тезроқ тайёр ҳолга келтириб қўйишга қаратилмоқда.

Райондаги барча колхоз ва совхозларда агротехника қоидаларига тўла жавоб берадиган махсус инкубация хоналари ажратилиб, 4 процентли формалин эритмаси билан дизенфекция қилиб қўйилган. 80—100 қути уруққа мўлжалланган бу инкубация хоналари стандарт сўрилар ва ҳароратни, намликни ўлчайдиган асбоблар билан комплекс таъминланган.

ПИЛЛА ҚУРТИ БОҚИШГА ТАЙЁРМИСИЗ?

Ленин номли колхоз пиллакорлари ҳар йилгидек бу мавсумга ҳам пухта тайёргарлик кўрдилар. Улар 310 қути қурт уруғидан 15,5 ўрнига 16,5 тонна «кумуш тола» етказиб бериш мажбуриятини олишга. Шу кунгача 60 минг тун гибридли янги тут кўчатлари экишди. Колхоз территориясидаги мавжуд тутзорлар тартибга келтирилиб, таглари юмшатилди ва ўғитлаб суғориш учун тахт қилиб қўйилди. Фрунзе номли, Калинин номли, «Интернационал», «Коммунизм» колхозлари пиллакорлари ҳам ипак қурти боқиш мавсумига ҳар томонлама шай бўлиб турибдилар.

Лекин, айрим хўжаликларда эски тутзорларни тартибга келтириш, белгиланган миқдорда янги тут кўчатлари ўтказиш, инкубация хоналарини агротехника қоидалари асосида жиҳозлаш, айниқса, янги экилган кўчатларнинг парвариши кўнгилдагидек эмас.

Рейд давомида район пиллакорларининг бу йил ҳар қачонгидан ҳам юқори ҳосил олиш учун катта резерв ва имкониятга эга эканликлари кўзга янада яққол ташланди. Масалан, ўтган йили район хўжаликларида ташкил қилинган 2937 пиллачилик звеносидан 1044 таси давлат планларини бажара олмади. Бу қурт боқиш агротехникаси қоидаларига риоя қилинмаганлиги оқибатидир. Қурт боқиш учун ажратилган хоналарнинг талабга жавоб бермаслиги туфайли қуртларнинг бир қисми нобуд бўлиб кетган. Хўжалик раҳбарлари ҳам пиллакорлар устидан назоратни кучайтирмаганлар, уларга ўз вақтида ёрдам бериб турмаганлар. Ўтган йили йўл қўйилган ана шу нуқсон ва камчиликларнинг бу йил такрорланишига йўл қўйиш керак эмас. Ана шунда 15—20 тонна қўшимча пилла топшириш имкони туғилади.

Бундай ички резервлар райондаги барча хўжаликларда топилади. Ўнлаб илғор пиллакорларнинг иш якунлари бундан яққол далолат бериб турипти. Ипак қурти боқиш даврида агротехника қоидаларига қатъий амал қилиб, барг бериш, қуртларни яйратиш, хоналарни вақти-вақти билан шамоллатиб туриш ишлари белгиланган тартибда олиб борилиши зарур.

Мавсумни муваффақиятли бошлаш кўп жиҳатдан қандай тайёргарлик кўрилганлигига ҳам боғлиқдир. Мавжуд 637 минг дона баланд бўйли тут дарахтлари ҳамда 380 гектар майдондаги тут плантацияларига ишлов бериб, ўғитлаб, суғориб қўйиш лозим. Бундан ташқари яқин кунлар ичида барча қуртхоналарни сифатли ремонтдан чиқариш, уларни оқлаш ва дизенфекция қилиш; зарур асбоб-ускуналар билан таъминлаш ҳам шу кунниинг муҳим вазифасидир.

Ўтган йили пилла тайёрлаш учун янги давлат стандарти қабул қилинган эди. У бу йил Янгийўл районида тажрибадан ўтказилади. Янги стандартга кўра давлатга топшириладиган пилла ҳажми ундаги ипак миқдорига қараб белгиланади, яъни ипак миқдори пилла оғирлигининг 19 процентидан кўп бўлса, топширилган пилланинг салмоғи ортади. Акс ҳолда эса топширилган пилла миқдоридан чегириб қолинади. Шунинг учун ҳам бу йил ипак қурти боқиш даврида асосий эътиборни сифат кўрсаткичларини яхшилашга қаратмоқ лозим.

Бу йил ҳам юз килограммчилар ҳаракатини кенг қулоч ёйдириш, пиллачилик бригада ва звенолари ўртасидаги социалистик мусобақа шартларини пухта ўйлаб тузиш, рағбатлантиришнинг энг таъсирчан формаларини қўллаш, пиллакорлар ўртасида илғорлар тажрибасини кенг оммалаштириш — мавжуд резерв ва имкониятлардан тўла фойдаланишнинг асосий омилидир.

Рейд бригадаси аъзолари:

Х. ДАВЛАТОВ,
область аптекалар ошқармаси бошлиғи.

Ғ. ВАЛИЕВ,
область қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ҳарид қилиш ва сифати бўйича давлат инспектори.

Э. ДЎСОВ,
Ўрта Осиё илакчилик илмий текшириш институти илмий ходими.

А. ИУЛДОШЕВ,
«Тошкент ҳақиқати» газетасининг махсус мухбири.

КПСС XXV съезди қарорларини амалга оширамиз

ОЛМАЛИҚ ИШЧИЛАРИ ЯНГИ МАРРАЛАРНИ БЕЛГИЛАМОҚДАЛАР

КОММУНИСТЛАР, БУТУН СОВЕТ ХАЛҚИ ПАРТИЯНИНГ ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТИНИ ЯҚДИЛЛИК БИЛАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАГАНЛИГИ, ЯНГИ БЕШ ЙИЛЛИК БИРИНЧИ ЙИЛИНИНГ ДАСТЛАБКИ ОЙЛАРИДАН БОШЛАБОҚ ЗАРБДОР МЕҲНАТ ҚИЛИНАЁТГАНЛИГИ — НАВБАТДАГИ БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАН МУВАФФАҚИЯТЛИ БАЖАРИЛИШИНИНГ МУҲИМ ШАРТИДИР, ҲАР БИР КОММУНИСТ, МУШТАРАК ИШИМИЗ УЧУН ЖОН КУЙДИРАЁТГАН ҲАР БИР КИШИ ПАРТИЯ ДИРЕКТИВАЛАРИНИ ОҒИШМАЙ АМАЛГА ОШИРИШИ, ЖАМИЯТ, ДАВЛАТ, ХАЛҚ МАНФААТЛАРИНИ БИРИНЧИ ЎРИНГА ҚЎЙИШИ, ШУНДАЙ ВА ФАҚАТ АНА ШУНДАЙ ИШЛАШИ ЛОЗИМ.

Л. И. БРЕЖНЕВ.



В. И. Ленин номли, Ленин ва Меҳнат Қизил Байроқ орденли Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг мис эритиш заводи коллективи ишлаб чиқараётган маҳсулот тўққизинчи беш йилликда давлат Сифат белгисини олишга сазовор бўлди. КПСС XXV съезди қарорларидан руҳланган мис эритувчилар ўнинчи беш йилликда янада юксак кўрсаткичларга эришиш учун зиммаларига олинган социалистик мажбурият олиб меҳнат қилмоқдалар. Суратларда: (чапдан) мис эритувчи В. Ф. Синий. Бу зардоб комммунист кунлик нормаларини 120—130 процентга етказиб адо этмоқда. Мастер А. Бакеров ишлаб чиқараётган маҳсулотлар фақат аъло сифат билан қабул қилинаяпти. А. Бакеров тайёр мис эритмаларини жўнатишга ҳозирлаяпти.

ҒАМХЎРЛИККА ЖАВОБАН

Эргаш АБДУРАҲМОНОВ,

«Қўрғошинкон» экскаваторчилар бригадасининг бошлиғи, КПСС XXV съезди делегати.

ПАРТИЯМИЗНИНГ олий анжумани — КПСС XXV съездида қатнашиш шарафига муяссар бўлдим. Бунинг учун менга ишонч билдирган шахримизнинг барча коммунистларидан миннатдорман. Бу ишончни оқлаш учун зўр ғайрат билан ҳаракат қиламан.

Биз съездда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитетининг съездга ҳисоботи ва партиянинг ички ва ташқи сиёсат соҳасидаги вазифалари тўғрисидаги докладини зўр ҳаяжон билан тингладик. Бу доклад бошдан охиригача совет халқининг турмуш даражасини юксалтириш, фаровонлигини янада ошириш руҳи билан суғорилган. Ўнинчи бешйилликда Олмалиқдаги рангли металлургия корхоналарининг қувватини анча ошириш назарда тутиляпти. Биз коммунистлар, корхоналарнинг барча меҳнаткашлари буни келгусидаги ишларимизнинг жанговар программаси сифатида зўр мамнуният билан қабул қилдик.

Бугунги кунда бизнинг ишимиз ва ўйларимиз фаолиятимизни янада кучайтиришга, камчиликларни бартараф этишга, ишимизнинг техник-иқтисодий кўрсаткичлари даражасини оширишга, ишга солинмаган резервларни қидириб топишга қаратилган. Бу борада ижодкор ишчиларимиз, новаторларимиз, ишлаб чиқариш зарбдорлари диққатга сазовор ишларни амалга оширишяпти.

Ўнинчи беш йилликни зарбдор суръат билан бошлаган конимиз меҳнатчилари биринчи квартал план-топшириғини ва социалистик мажбуриятни муддатидан илгари адо этдилар. Социалистик мажбуриятга қўшимча бирнеча минг тонна руда қазиб чиқарилди.

Мен бошчилик қилаётган экскаватор экипажи март ойида пландан ташқари 20 минг куб метр тоғ массаси юклаб берди. Биз резерв ва имкониятларимизни қайта ҳисоблаб чиқдик ва зиммамизга оширилган мажбуриятлар қабул қилдик. Ойлик планларни мунтазам равишда 110—115 процентга етказиб бажариш билан КПСС XXV съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XIX съезди қарорларига жавоб берамиз.

ИСТИҚБОЛ РЕЖАЛАРИ

Т. ИСМОИЛОВ,

Ленин ва Меҳнат Қизил Байроқ орденли В. И. Ленин номли Олмалиқ кон-металлургия комбинати партия комитетининг секретари.

Комбинатимиз ўз таркибида комплекс корхоналарни бирлаштирган бўлиб, унинг составида кон-транспорт цехлари, саралаш фабрикалари, металлургия ва ремонт заводлари, иссиқлик электр маркази ва бошқа ёрдамчи цехлар бор.

Корхонамизда кўп хил маҳсулот ишлаб чиқарилади. Қадоқланган мис, руҳ ва кадмий, қўрғошин ва молибден концентрати шулар жумласидан. Комбинатда металлургия газидан олтингугурт кислотаси ишлаб чиқариш шаҳарда минерал ўғит заводи ташкил этишнинг базаси бўлиб хизмат қилди. Комбинатимиз бўлинмалари замонавий, қудратли экскаваторлар, бурғилаш станоклари, электровозлар, тегирмонлар ва агдарма машиналар билан таъминланган. Тўққизинчи беш йилликнинг якунловчи йили коллективимизнинг ҳар бир аъзоси учун имтиҳон йили бўлди. Уларнинг фидокорона меҳнатлари натижасида йиллик план 13 декабрда адо этилди. Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш плани 102,7 процентга етказиб бажарилди.

Умуман тўққизинчи беш йилликда эса ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш 43,2 процент ошди ва план 101,5 процент бажарилди. Меҳнат унумдорлигини ошириш пландаги 36,9 ўрнига 40,2 процентга етди.

Бундай муваффақиятларда меҳнаткашлар ижодий активлигининг ошиши катта роль ўйнади. Комбинат партия комитети бюроси шахсий топшириқларни муддатидан илгари бажариш юзасидан 11 илғор ишчининг ташаббусини маъқуллаган эди. Бу ташаббускорлар орасида «Қалмоққир» конининг экскаватор машинисти В. Подвигин, бурғилаш станоги машинисти А. Абдураимов, мис эритиш заводининг комсомол-ёшлар бригадаси бошлиғи Қ. Мавлонов ва бошқалар бор. Комбинат партия комитети бу ташаббусни кенг қўлоқ ёйдириш тадбирларини ишлаб чиқди. Натижада 1975 йил охирига келиб, ташаббус издошлари 4308 кишига етди. 4057 киши шахсий беш йиллик топшириғини муддатидан олдин бажарди. Жумладан, бурғулаш станоги машинисти Н. Иевлев якунловчи йилда 55 минг метр қудуқ қазиди. Бу эса комбинат тарихидаги энг юқори кўрсаткич. Е. Шадрина, Т. Туронов, П. Яшин каби зарбдорлар шахсий беш йиллик топшириқларини 3,5—4 йилда бажардилар.

Тўққизинчи беш йилликда комбинат коллективи Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида 8 марта голиб чиқди.

Ўтган давр ичида янги-янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Мис ва руҳ кукуни, кадмий, индий ва бошқа қимматбаҳо металлар қотишмаси шулар жумласидан. Ишлаб чиқарилаётган барча маҳсулотга биринчи сифат категорияси берилди. Бирқанча маҳсулотлар эса давлат Сифат белгисини олишга сазовор бўлди.

Улкан коллективимиз эришаётган юксак муваффақиятларда янги техника ва технологияни жорий этиш салмоқли ўрин эгаллаяпти. Ўтган йилнинг ўзида янги техникани жорий этиш бўйича 46 тадбир амалга оширилди ва ундан 2,1 миллион сўмлик фойда кўрилди. Беш йилликда эса жами 223 тадбир ишлаб чиқаришга жорий этилиб, улардан 16,3 миллион сўмлик фойда олинди. Янги техниканинг жорий этилиши натижасида 1685 киши бошқа ишларга ўтказилди.

Илғор тажриба мактаби мунтазам фаолият кўрсатмоқда. Бу мактабларда тажрибали, моҳир касб усталарининг бой тажрибалари умумлаштирилиб, тингловчиларга ўргатиляпти. Ўтган беш йилликда Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Г. Дождиков, бурғилаш станоги машинисти С. Гармай, аппаратчи Д. Ивановларнинг маҳорат мактабида 2346 киши таълим олди. КПСС XXV съезди олдидан социалистик мусобақа кенг қулоч ёйдирилди. Бу мусобақада энг юқори кўрсаткичга эришган ишчилардан 15 киши съездга йўлланадиган ғалаба рапортига имзо чекиш ҳуқуқига эга бўлдилар.

Тўққизинчи бешйилликнинг салмоқли самаралари Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан тақдирланишидан руҳланган комбинатимиз коллективи ўнинчи беш йилликни ҳам зарбдор суръат билан бошлади. Съезд шарафига шахсий мажбурият олиб ишлаганлар юзлаб кишини ташкил этди. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони В. Подвигин экипажи съезд шарафига ҳар суткада саралаш фабрикасига 6 минг кубметр тоғ массаси юклаб жўнатишга эришди. Улар биринчи квартал планини съезд очиладиган кунгача бажардилар.

Ишчи-хизматчиларимиз КПСС XXV съезди қарорларини зўр мамнуният билан кутиб олишди. Бу ҳаётбахш қарорлар ҳар бир коллектив аъзосининг ғайратига ғайрат қўшди. Натижада кончилар 1976 йил учун оширилган социалистик мажбурият қабул қилдилар. Унда йиллик планни муддатидан илгари бажариб, планга қўшимча равишда миллионларча сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш таъкидланган. Шунингдек, меҳнат унумдорлиги ўтган йилга нисбатан 4,7 процент оширилади. Пландан ташқари минглаб тонна мис, руҳ, олтингугурт кислотаси ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Эндиги вазифамиз мана шу мажбуриятларни ортиғи билан адо этишдан иборат.

Ўтган беш йилликда Олмалиқ шаҳрида янги-янги ишлаб чиқариш қувватлари фойдаланишга топширилди. Олтингугурт кислотаси цехи шулар жумласидан. Бу цехнинг ишга туширилиши ўз навбатида минерал ўғит ишлаб чиқариш заводини ишга туширш базаси бўлиб хизмат қилди. Суратда: олтингугурт кислотаси цехининг бир участкасида.

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотолари.

БЕШ ЙИЛЛИК МЕҲНАТ ВАХТАСИДА

В. МУҲАМЕДОВ.

Олмалиқ шаҳар партия комитетининг биринчи секретари.

Шу кунларда шаҳримиздаги қайси бир корхона, ташкилот ёки муассасада бўлманг, албатта зўр кўтаринкилик билан қилинаётган меҳнатнинг гувоҳи бўласиз. КПСС XXV съезди қарорларидан бенихоя руҳланган шаҳримиз меҳнаткашлари мисли кўрилмаган ғайрат-шижоат билан ишламоқдалар, янги-янги муваффақиятларга эришиш мақсадида мусобақа байроғини тобора баланд кўтармоқдалар.

Шаҳримиз йилдан-йилга обод ва кўркам бўлиб бормоқда. Янги-янги турар жой кварталлари барпо этиляпти. Биргина тўққизинчи беш йиллик давомида юзларча минг квадрат метр сатҳли уй-жойлар қурилди. Қатор маданий-маиший муассасалар қад кўтарди.

Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг бу катта ғамхўрлигига амалий иш билан жавоб беришга астойдил ҳаракат қилаётган кончилар ва металлургларга, бинокорлар ва транспортчилар давлат планларини бажаришда яхши натижаларга эришмоқдалар. Тўққизинчи беш йиллик плани муддатидан илгари 15 декабрда бажарилди. Пландагидан ташқари 34 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинди.

Ўнинчи беш йиллик шаҳримиз тарихида яна бир ёркин саҳифа очади. Бу беш йилликда саноат, қурилиш янада ривожланади. Кенг кўламда уй-жойлар, маданий-маиший муассасалар қурилади. Олмалиқ кон-металлургия комбинати қувватларини ошириш ишлари жадал давом этади. Ҳимия заводининг 3-навбати қурилади. Йилига 3,5 миллион квадрат метр гилам ишлаб чиқарувчи фабрика учинчи кварталда фойдаланишга топширилади.

Ўнинчи беш йиллик мобайнида шаҳарнинг уй-жой фонди янада кенгаяди. Умумий майдони 200 минг квадрат метрдан ортиқроқ янги уйлар қурилади. Қад кўтарадиган мактаблар бир йўла 3.500 ўқувчини ўз бағрига олади. Бир қанча болалар боғча ва яслилари ишга туширилади. Кимёгарлар учун спорт комплекси бўлган Маданият саройи барпо этилади. Шаҳар транспорти, алоқа тармоқлари, меҳнаткашларга коммунал-маиший хизмат кўрсатиш миқёси янада кенгаяди.

Шаҳримиз меҳнаткашлари зиммасига шундай катта ва шарафли вазифалар юклатилган. Бу ишларни амалга ошириш жуда кўп куч-ғайрат сарфлашни тақозо этади. Шунинг учун ҳам шаҳримиз меҳнаткашлари ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини ошириш юзасидан бошланган Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида актив иштирок этишяпти.

Саноатчилар, бинокорлар, транспортчи ва алоқачиларимиз 1976 йил планини муддатидан илгари бажариш юзасидан зиммаларига олган дастлабки мажбуриятни қайта кўриб чиқдилар. Улар янги оширилган марралар белгилашди. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш бўйича йиллик план 26 декабргача бажарилади ва қўшимча ками билан 15 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинади. Фан ва техника ютуқларини жорий қилиш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва иш сифатини яхшилаш асосида саноатда меҳнат унумдорлиги 11 процент ортади. Пландагидан ташқари икки миллион сўмлик маблағ тежаб қолинади. 35 хил янги маҳсулот ишлаб чиқариш ўзлаштирилади.

Бинокорларимиз қурилиш-монтаж ишлари йиллик планини 27 декабргача бажаришга ваъда бердилар. Шаҳарни ободонлаштириш ишлари плани муддатидан ўн кун илгари адо этилади. Транспорчиларимиз, алоқа корхоналарининг коллективлари ҳам меҳнатда катта ютуқларга эришишга аҳд қилдилар.

Шаҳримиз меҳнаткашларининг оширилган социалистик мажбуриятларини область, партия комитетининг бюроси маъқуллади ва уни кенг ёйишга қарор қилди. Бу барча ишчи-хизматчиларнинг меҳнат активлигини янада кучайтирди.

Ҳозир барча корхона ва ташкилотларда ял-юрт олдида берилган ваъданинг тўла уддасидан чиқиш учун кураш авж олиб кетди. Ишчилар янги ташаббуслар билан чиқмоқдалар. Фан-техника ютуқлари жорий қилинмоқда. Прогрессив технология, илғор иш усуллари кенг қўлланиляпти. Ҳар бир коллектив ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш учун техника тараққиётини янада жадаллаштиришга, меҳнат унумдорлигини оширш, ички резервларни қидириб топиш ва ишга солишга катта эътибор бермоқда. Аксарият ишчи-хизматчилар ўз вазифаларига виждонан муносабатда бўлмоқдалар, ижодий ташаббус кўрсатиб ишламоқдалар, ишчанлик намуналарини кўрсатмоқдалар.

Ишлаб чиқариш пешқадамлари меҳнаткашлар кўрсатаётган турли хил ватанпарварлик ҳаракатларининг авж олиши ташаббускорлари бўлишяпти. Экскаватор машинисти, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони В. Р. Подвигин, экскаваторчилар бригадири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, КПСС XXV съезди делегати Э. Абдураҳмонов, мис эритиш заводининг ишчиси В. Новиков, руҳ заводи катодчиси И. Шатунов, темир йўл цехи электровоз машинисти М. Ирисбеков ва бошқалар шулар жумласидандир. Улар шахсий беш йиллик топшириғини муддатидан илгари бажариш ташаббусини бошлаб беришди. Ҳозир бу ташаббус издошлари сафида 5184 ишчи бор.

Тошкент тўқимачилик комбинати ишчиси Верзилинанинг «Шогирд устозига тенглашсин» шиори билан, самолётсозлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг фрезерчиси А. Девятованинг меҳнат унумдорлигини ошириш юзасидан, москвалик саноатчиларнинг «Маҳсулот сифатига ишчи кафолати» шиори остида бошлаган ташаббуслари ҳам шаҳримиз корхоналарида кенг ёйилмоқда.

Шу йилнинг биринчи кварталида якунлари зиммага олинган социалистик мажбуриятларнинг шараф билан бажарилиши учун барча имкониятлар борлигини кўрсатиб турибди. Квартал мобайнида пландагидан ташқари деярли 2 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Меҳнат унумдорлиги ўтган йилдагига нисбатан 10,1 процент ошди. Кўпчилик корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиши фақатгина меҳнат унумдорлигининг ошиши ҳисобига бўлди. Корхоналаримиз олаётган фойда миқдори 22,2 процент орти.

Оширилган социалистик мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш шаҳар партия комитети, бошланғич партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг асосий вазифасидир. Шу мақсадда ташкилотчилик иш даражасини янада оширамиз. Мажбуриятнинг ҳар бир коллектив томонидан бажарилишини муттасил назорат қилиб борамиз. Ҳўжалик раҳбарларига нисбатан талабчанликни оширамиз, уларнинг топширилган иш учун масъулиятини кучайтирамиз.

Биз пропаганда ва агитация барча воситаларининг самарадорлигини ошириш, меҳнаткашларни ғоявий-сиёсий, меҳнат ва ақлий тарбиясини қўшиб олиб боришга алоҳида эътибор берамиз. Айни вақтда барча коллективлар ўртасида КПСС XXV съезди қарорлари ва материалларининг муттасил ҳамда чуқур ўрганилишини, уларда белгиланган вазифаларнинг муваффақиятли бажарилиши ҳар бир коллектив, ҳар бир ишчи меҳнатига боғлиқ экани-лигини атрофлича тушунтириб борамиз.

Йиллик мажбуриятни тўла ва ошириб билан уддалаш шаҳримиз меҳнаткашларининг ўнинчи беш йиллик планини муваффақиятли бажаришга қўшган муносиб ҳиссаси бўлади.

РЕЗЕРВЛАРДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНАМИЗ

В. КОРНЕЙЧУК,

қўрғошин-руҳ саралаш фабрикаси флотатори.

КОРХОНА коллективининг меҳнати натижаси ҳар бир ишчининг фаолиятига боғлиқ. Ишчи қанчалик яхши меҳнат қилса, коллектив ютуқлари ҳам шунчалик салмоқли бўлади.

Шунинг учун ҳам шаҳриминздаги барча корхоналар қатори бизнинг фабрикада шахсий мажбуриятлар олиб ишлаш тобора кенг қулоч ёймоқда. Бу ватанпарварлик ҳаракати иштирокчиларининг сафи тўхтовсиз кенгайиб бормоқда.

Мен ҳам ана шу ажойиб ҳаракат иштирокчилари сафида бораётганлигимдан беҳад мамнунман. Илғор иш тажрибасини қўллаш, технология режимига қатъий амал қилиш, иш вақтидан, ихтиёримдаги агрегатлардан унумли фойдаланиш туфайли ҳар сменада қўшимча маҳсулот ишлаб чиқаришга эришяпман. Ўтган йили нормадагидан ташқари ўнлаб тонна руҳ ишлаб чиқаришга ваъда берган эдим. Кейинчалик буни қайта кўриб чиқиб, оширилган мажбурият қабул қилдим.

Албатта ўз сўзимнинг устидан чиқаман. Бунинг учун бутун тажрибам, билимим ва маҳоратимни аямай меҳнат қиламан. Флотация камераларини тўла қувват билан ишлашига эришиб, уларнинг самарадорлигини оширишга астойдил ҳаракат қиламан. Ҳар бир операцияни қўплаб қўрғошин ва руҳ ишлаб чиқаришга ваъда берган эдим. Кейинчалик буни қайта кўриб чиқиб, оширилган мажбурият қабул қилдим.

Албатта ўз сўзимнинг устидан чиқаман. Бунинг учун бутун тажрибам, билимим ва маҳоратимни аямай меҳнат қиламан. Флотация камераларини тўла қувват билан ишлашига эришиб, уларнинг самарадорлигини оширишга астойдил ҳаракат қиламан. Ҳар бир операцияни бажариш учун сарфланадиган вақтдан минутларни тежаб қоламан. Бу минутлардан соатлар ҳосил бўлади. Ана шу вақт ичида эса қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш мумкин бўлади. Барча имкониятлардан фойдаланишга интиламан. Резервлар эса ҳар бир иш жойида бўлганидек, бизда ҳам битмас-туганмас. Уларни қидириб топиб, оқилона фойдаланиш ишимиз натижасининг самарали бўлишига, шахсий мажбуриятларимизнинг шараф билан бажарилишига олиб келади.



СИФАТ — БОШ МАСАЛА

В. ДАУРОВА,

Олмалиқ мебель фабрикасининг пардозловчиси.

СОВЕТ кишиларининг фаровонлиги ва маданий турмуш даражаси юксалган сайин уй жиҳозлари бўлмиш мебелларга талаб ва эҳтиёж ҳам ўсиб бормоқда. Бу эҳтиёжни фақат кўплаб маҳсулот ишлаб чиқариш билан қондириб бўлмайди. Айни пайтда уларнинг сифатига эътибор бериш ғоят муҳимдир.

Фабрикамиз коллективи 1966 йилдан бери СССР Ўрмон ва ёғочсозлик министрлигига қарашли корхоналар ўртасидаги социалистик мусобақада қатнашиб келаяпти. Шуни қувонч билан айтамизки, ўн йилдан буён коллективимиз бу мусобақада голиб чиқиб, биринчи ўринни эгалламоқда ва министрликнинг Кўчма Қизил байроғини ўзимизда сақлаб турибмиз. КПСС XXV съезди қарорларидан руҳланган коллективимиз яқинда 1976 йил учун оширилган социалистик мажбуриятлар қабул қилди. Унда йиллик планни 26 декабрда бажариш, меҳнат унумдорлигини 2,5 процент ошириш, 250 минг сўмлик қўшимча мебель ишлаб чиқариш кабилар қайд қилинган. 1976 йилнинг 18 февралида Давлат аттестация комиссияси корхонамизда ишлаб чиқарилаётган мебелларнинг Меҳнат Қизил Байроқ орденли Ленин номидаги давлат марказий ботаника боғи директори, профессор Ғ. П. Мешков раҳбарлигидаги комиссия

СССР ХАЛҚ АРТИСТИ, ДАВЛАТ МУКОФОТИ ЛАУРЕАТИ ТАМАРАХОНИМНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА

САНЪАТГА БАҒИШЛАНГАН УМР

Мукаррама ТУРҒУНБОЕВА,
СССР халқ артисти, Давлат мукофоти лауреати

УЛКАН ИСТЕЪДОД ЭГАСИ

ТАМАРАХОНИМ. Бу ном ўзбек совет санъати тарихида санъат баҳоридан дарак бериб қанот қоққан илк қалдирғоч санъаткорлар сафидан ўчмас ўрин олган.

Унинг номини санъатсевар халқимиз ҳамиша меҳр билан тилга олади. Бу ном, айниқса, мен учун азиз ва ардоқли. Негаки, Тамарахоним деганда, мен бор орзу-умидларини, қувончу шодликларини санъатда кўриб, бутун ҳаётини, умрини санъатга бахш этган, санъатни юрак-юрагидан, бутун вужуди билан севган, санъатсиз ҳаётнң тасаввур этолмайдиган фидойи бир аёлни тушунаман. Зеро, Тамарахоним мени санъат даргоҳига етаклаб келган илк ва доимий устозларимдан бири.

ЁДИМДА... 1929 йиллар эди. Фарғонадаги педагогика билим юртининг талабаси эдим. Ўша кезлари Фарғонага катта артистлар келишиб-ди, деган хушхабар тарқалди. Ҳаммадан ҳам мени бу хушхабар чексиз қувонтирди, чунки санъатга жуда қизиқардим. Билим юртидаги ҳаваскорлик тўгарагида иштирок этардим.

Дарҳақиқат, Фарғонада Муҳиддин Қори Ёқубов бошчилигидаги артистлар группаси бир неча кун концерт қўйди. Санъатга, жозибали қўшиқлар эшитишга ташна, чиройли рақслар кўришга муштоқ фарғоналиклар ҳар бир концерт номерини меҳр билан кутиб олишди. Айниқса, Тамарахоним саҳнага чиққанда ҳамманинг дили завқ-шавққа тўлиб, роҳатбахш ҳаяжондан кўнгиллар ором олди.

Қизлар саҳна у ёқда турсин, остона хатлаб ташқари чиқишга юраги дов бермай турган оғир бир шароитда Тамарахонимнинг намойиш этган санъати, жозибали рақси, ширали лапарлари ҳаммани ҳайратда қолдирди. Санъатга меҳр қўйган ўзбек қизларида дадиллик уйғотди. Бу ҳол артистлар труппаси бизнинг билим юртимизга меҳмон бўлиб келганда янада кучли таъсир ўтказди. Билим юртида биз уларнинг концертини кўрдик. Ҳаваскорлик тўгараги қатнашчилари ҳам уларга концерт қўйиб беришди. Биз ўз билганимизча қўшиқ айтар, рақс тушардик. Тўғриси, устоз кўрмаган шогирдлар эдик. Шундай бўлса ҳам ҳар биримизнинг чиқишимизни Тамарахоним билан Қори Ёқубов диққат билан кузатиб ўтиришарди. Концерт тугаб, энди кетмоқчи бўлиб турганимизда, муаллимимиз учтўрт талабани олиб қолди. Олиб қолинганлар орасида мен ҳам бор эдим.

Муаллим бизга синчковлик билан жилмайиб қарадида:

— Тамарахоним билан Қори Ёқубов сизларни театрга олиб кетмоқчи. Сизлардан келажакда ажойиб санъаткор чиқар эмиш. Зора сизлар ҳам Тамарахонимдай машҳур бўлиб кетсаларинг, — деди.

Дарҳақиқат, Тамарахоним ўша пайтдаёқ машҳур эди. У республикамиз, Иттифоқимиздагина эмас, чет элда ҳам ўзбек санъати байрогини баланд кўтарганди. Ана шундай машҳур артист таклиф этган экан, биз қайтарармидик. Нимадандир бироз чўчирдик, лекин у бахш этган дадиллик устун келди. Орадан уч-тўрт кун ўтгач, Тамарахоним билан биргаликда биз ҳам поездга ўлтириб, Самарқандга жўнаб кетдик.

Мана ўшанга ҳам қирқ олти йил бўлибди. Лекин, Тамарахоним етакчилигида санъат даргоҳига илк қадам қўйган ўша кунларим худди ҳозиргидай кўз ўнгимда гавдаланади. Самарқандга боргандан кейин эса, у бизнинг ҳақиқий устозимиз бўлиб қолди.

Тамарахоним ўзбек халқининг миллий санъатини бутунлай ўзлаштириб олганди, ҳар бир қўшиқ ва рақснинг теран тубидаги кўз илғаёлмас жозибани ҳам идрок кўзи билан кўрар, уни артилган нақш олмадек томошабинга тақдим этарди. Айниқса, миллий ўзбек шоҳ рақсларидан «Садр», «Пилла», «Катта ўйин», «Ойижон», «Занг», «Ноғора», «Дилхирож»ларнинг зеру-забарини келтириб, ҳар бир ҳаракат ритмни ўрнига қўйиб ижро этардики, томоша заллари силсилага келарди. Бизни ҳам у шундай ўйнашга ундар, рақс сирларини, ўз тажриба ва маҳоратини юқтиришга тинимсиз интиларди, ўргатишдан сира эринмасди.

Бу борада унга машҳур доирачи, рақс султони уста Олим ака Комилов ёрдам берарди.

— Хоним, — деганди бир кун уста Олим ака, — доиранинг 60 дан ортиқ ритми бор. Ҳар бир ритмга мос ўйин ҳаракатини топмоқ ва ижро этмоқ зарур. Ҳадеб бир хил ўйин ҳаракати такрорланаверса, томошабин зерикиб қолади. Ўйиннинг жилваси йўқолади.

Шу ўринда шуни айтиш керакки, классик рақсларда биз ҳаммамиз эришган жамики ютуқ ва муваффақиятлар ана шу устозимнинг ўта талабчанлиги меваси деб биламиз.

Тамарахоним — туғма талант эгаси. У биргина ўзбек қўшиқ ва рақслари билан шуҳрат қозонмади. Унинг қалб жавонида 86 тилдан ортиқ халқ қўшиқлари ўз жилоси билан, ўз жилваси билан сақланмоқда.

1950 йиллар эди. Тамарахоним Испаниядан қайтган чоқ. У Пушкин номли истироҳат боғида концерт берди. Ҳамма унинг чиқишини кутиб турарди. Бирдан саҳнада завқ-шавққа тўла, бутун вужудидан қайноқ ҳарорат уфуриб турган испан қизи пайдо бўлди. Аввал испанча қўшиқнинг ёқимли ва майин қаноти томошабин туйғусини елпиб, қалбларни қувноқ бир кайфиятга буркади. Қўшиқ сўнгидаги испанча рақс ижроси гўёки дилларга тошқин ва жўшқин дарёни қуйгандай бўлди. Бу испан қизига айланган Тамарахоним эди.

Мен ўзимнинг илк устозим ҳақида фикр юритар эканман, унинг яна бир хислатини эслаб ўтмоқчиман. Тамарахоним ҳамиша завқ-шавққа тўлиб юради. Қувноқлик устозимнинг ажралмас ийлдоши. Яқинда бир анжуман бўлди. Тўғрироғи, бу аёллар йиғини эди. Давра-дагилар негадир қовушолмай ўтиришарди. Бир пайт Тамарахоним келиб қолди. У билан бирга йиғинга файз, жўшқинлик кириб келди. «Ие, нега ўйинни бошламай ўтирибсизлар? Қани, бир ўйнаб-кулайлик» деди-да, рақсга тушиб кетди. Ундаги шалоладек жўшқинлик, лапар-шавқ бир зумда ўтирганларга ўтди.

Тамарахоним ўз такрорланмас санъати билан 50 йилдан ортиқ давр мобайнида халқимиз қалбига шодлик улашиб, баҳордек муаттар ёшлик нафасини таратиб келмоқда.

Мен СССР халқ артисти, Давлат мукофоти лауреати Тамарахонимни қутлуғ 70 ёши билан, кўксини безаб турган қатор орден ва медаллар қаторига қўшилган янги олий нишон — Ленин ордени билан табриклар эканман, устозимга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, чеҳрасида балқиб турган шод-хуррамлик ва табассум ҳамиша ёр бўлишини тилайман.

Суратда: Тамара Артемовна Петросянц.

ҚАЛБИ БАҲОР

Ҳар бир инсон ҳаётида унутилмас воқеалар, машҳур кишилар билан учрашувлар, бир умр эсдан чиқмайдиган ёркин хотиралар бўлади. Менинг ҳаётимда шундай воқеалардан бири бундан қирқ йил муқаддам республикамизнинг биринчи оқсоқоли Йўлдош Охунбобоев туғилган кунининг 50 йиллиги муносабати билан бўлган юбилей кечасида иштирок этишим бўлди.

ЎзССР Олий Совети залида ўтган бу тантанали кеча сўнгида кўпгина санъаткорлар концерт беришди. Улар орасида Тамарахоним ҳам бор эди. Ота илтимосига биноан Тамарахоним «Эй, нозанин» ашуласини айтди. Тамарахоним лапар айтиб, ўйинга тушар экан, кечада иштирок этаётган санъаткорлар Н. Аҳмедова, Ҳ. Носирова, М. Тургунбоевалар билан биргаликда Йўлдош отанинг ўзи ҳам саҳнага чиқиб, рақс даврасига тушиб кетди. Бутун зал қарсаклардан силкилага келди. Бу йиғилганларнинг ҳам Тамарахонимнинг жозибали санъатига, ҳам Йўлдош отанинг санъатга улкан муҳаббат билан муносабатда бўлганлигига янграган олқиш садолари эди.

Тамарахонимнинг қалби ҳамиша баҳор тароватига тўла. У саҳнага чиқиши билан залга баҳор нафаси қириб келади. У айтадиган қўшиқлар ҳам баҳор гулларидай ранг-баранг бўлиб, севги ва оналик муҳаббати, гўзаллик ва нафосат тароватн, меҳнат таронаси жилваланган мавзуларни қамраб олгандир. Бундай қўшиқлар томошабин қалбига тез етиб борар ҳамда одамларнинг севимли ашуласига айланиб қолар эди. Шунинг учун ҳам Йўлдош Охунбобоев СССР халқ артисти, Давлат мукофоти лауреати Тамарахонимга бир йиғилиш минбаридан туриб «Тамарахоним ўзбек халқининг биринчи булбул қизи, унинг илҳомбахш таланти билан фахрланишимиз керак», деб ҳаққоний баҳо берганди.

Тамарахоним халқимизга бутун истеъдоди, маҳорати ва ўзига хос санъат баҳорини бахш этиш билан бир қаторда бевосита жамоат ишларида ҳам актив иштирок этди. Жумладан 1937—1941 йиллар Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати сифатида элдан тушган илтимосларни вақтида адо этиб борди. Унинг номига жуда кўп кишилардан хат келарди. Ўша хатларнинг айримлари ҳамон менда сақланмоқда. Бу эса, Тамарахонимнинг жўшқин ҳаётидан гувоҳлик берувчи фактлардан биридир.

Е. МОРДУХАЕВ.

САНЪАТКОР ҲАЁТИДАН ЛАВҲАЛАР

◆ **1925 йилнинг июль кунларида Парижнинг реклама пештоқларида Тамарахоним номи пайдо бўлди. Бу унинг чет элдаги биринчи гастроли эди.**

◆ **1930 йил Москвада бўлиб ўтган Бутуниттифоқ санъат олимпиадаси ўзбек хореографияси гуркирао ўсгани ва гуллаб-яшнаётганини намойиш этди. Тамарахоним бу олимпиадада фақат талантли раққосагина эмас, балки қобилиятли балетмейстер сифатида ҳам зур муваффақият билан қатнашди. 1932 йил Тамарахоним уз устози Уста Олим Комилов раҳбарлигида катта рақс программасини танерлади. Бу программада ўзбек аёлларининг ҳур ҳаётини тараннум этувчи «Пилла» рақси етакчи ўринни эгаллади.**

◆ **Шу йили музика ва рақс санъатини ривожлантиришдаги катта ютуқлари учун Тамарахонимга Ўзбекистон ССР халқ артисти унвони берилди.**

◆ **1935 йилда ўзбек раққосаси Лондондаги халқ рақслари биринчи жаҳон фестивалида қатнашди. Унинг санъати муносиб баҳоланди: Тамарахонимга Олтин медаль берилди.**

◆ **30-йиллар бошларида Тамарахоним Хоразм қўшиқ ва рақсларини тўплаш, излаб топиш мақсадида ташкил этилган экспедицияда қатнашди.**

◆ **1937 йилда у ўзбек адабиёти ва санъати декадасида зўр муваффақият билан қатнашди. Айниқса, унинг «Сайл ва колхоз тўйи» хореографик рақси юқори баҳоланди.**

◆ **1939 йилда Тамарахоним «Гуландом» балети устида ишлай бошлади. У бу асарда либретто ҳамавтори, балетмейстер ва бош роль ижрочиси сифатида қатнашди.**

◆ **30-йилларнинг ўрталаридан бошлаб санъаткор ўз репертуарини турли халқларнинг қўшиқ ва рақслари билан тўлдира борди. Санъаткор қардош халқлар ижодини ўрганиш мақсадида Уста Олим Комилов раҳбарлигида Россия, Украина, Белоруссия, Грузия, Озарбайжон ва Тожикистон бўйлаб сафар қилди.**

◆ **1936 йили Тамарахоним ўзбек давлат филармониясида қўшиқ ва рақс ансамбли ташкил этди.**

◆ **УЛУҒ Ватан уруши йиллари. Тамарахоним ўз санъати билан жанговар вахтада турди. У фронтларда бўлиб, жангчиларимиз ҳузурида кўплаб концертлар берди. Қизил аскарларимиз руҳини кўтарди, уларни мислсиз қаҳрамонликларга ундади.**

◆ **УРУШДАН сўнг Тамарахоним «СССР ва жаҳон халқлари қўшиқ ва рақслари» янги концерт программасини яратди. Бу унинг жаҳон халқлари хореографик ва вокаль санъатини ўрганиш устида олиб борган кўп йиллик самарали меҳнатининг меваси эди.**

◆ **1956 йили совет санъатини ривожлантиришдаги улуғвор хизматлари учун Тамарахонимга СССР халқ артисти унвони берилди.**

◆ **ҲОЗИР Тамарахонимнинг концерт программасидан 100 га яқин совет ва жаҳон халқларининг қўшиқ ва рақслари муносиб ўрин эгаллаган.**

Тамарахоним кўпгина ишлаб чиқариш корхоналари коллективи билан узвий алоқа боғлаб келган. У ўз концертлари билан оталиққа олинган корхона меҳнаткашлари ҳузурига бориб, қанчадан-қанча ишчилар дилини ҳушнуд этган, меҳнатга илҳомлантирган.

Суратда: Тамарахоним ана шундай оталиққа олинган корхоналардан бирида қўшиқ айтиб, рақс тушмоқда.

К. Ромеев фотоси.

ДУНЁ ОВОЗИ
ЧЕТ ЭЛ ХАБАРЛАРИ

ЧЕХОСЛОВАКИЯ КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

ПРАГА, 7 апрель. (ТАСС). Бугун Прага градида Чехословакия Компартияси Марказий Комитетининг Пленуми бўлиб ўтди.

ЧКП Марказий Комитети, дейилади пленум тўғрисидаги ахборотда, ЧКПнинг XIV съездидан кейин партиянинг фаолияти ва жамиятнинг ривожи тўғрисидаги ҳисоботни ҳамда партиянинг навбатдаги вазифаларини, 1976—1980 йилларда ЧССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш асосий йўналишлари тўғрисидаги докладни ва 1976—1980 йилларда ЧССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш юзасидан директиваларни муҳокама қилди ва маъқуллади. ЧКПнинг 12 апрелда очиладиган XV съездига шу ҳисобот доклади ва директивалар тақдим этилади.

Пленумда ЧКП Марказий Комитетининг Бош секретари Г. Гусак нутқ сўзлади.

ДЭН СЯО-ПИННИ ИШДАН ОЛИШ ВА ХУА ГО-ФЭННИ ТАЙИНЛАШГА ҚАРОР ҚИЛДИЛАР

ПЕКИН, 7 апрель. (ТАСС). Бу ерда эълон қилинган хабарга қараганда, ХКП Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси Тянь-Аньмэнь майдонида содир бўлган «контрреволюцион можаро»ни ва «Дэн Сяо-Пининг сўнгги вақтлардаги хулқ-атворини» муҳокама қилиб, Дэн Сяо-Пин тўғрисидаги масала, хабардаги таъбир билан айтганда, «антагонистик характердаги зиддиятга айланиб кетди», деб ҳисоблайди. Сиёсий бюро Мао Цзе-Дуннинг таклифи билан «Дэн Сяо-Пинни партия ичидаги ва ташқарисидаги қаммэ лавозимлардан олиб ташлаш» тўғрисида қарор қабул қилди.

Сиёсий бюро Хуа Го-Фэнни ХКП Марказий Комитети раисининг биринчи ўринбосари ва ХХР давлат кенгашининг Бош министри лавозимига тайинлаш тўғрисида ҳам қарор қабул қилди.

АРГЕНТИНАДАГИ АҲВОЛ

БУЭНОС-АЙРЕС, 7 апрель. (ТАСС). Аргентинада вазият мураккаблигича қолмоқда.

Янги маълумотлар ўлари белгиланган «миллий қайта қуриш»ни амалга оширишга киришдилар. Танг аҳволда қолган экономикага доир проблемаларга катта эътибор берилмоқда. Давлат хизматчилари сонини камайтириш, солиқларни кўпайтириш ва иш ҳақини бир меёрда сақлаб қолган ҳолда нархларни ошириш назарда тутилади.

Умуммеҳнат конфедерацияси ва юк ташувчилар, бинокорлар, металлурглар, тўқимачилар, нефтчилар, кўшхона-холодильник ишчилари миллий касаба союзлари каби 12 та муҳим касаба союзлари аъзолари ҳарбийлар назорати остига олинган. Айни вақтда ҳунта ишчилар учун минимал иш ҳақи, ишдан бўшатилганда компенсация тўлаш, пенсия олиш ҳуқуқи ва шу сингарилари тўғрисидаги қонунлар гарантияси сақлаб қолинади, деб эълон қилинди.

Сиёсий партияларнинг фаолиятини тўхтатиб қўйиш тўғрисидаги қарор ҳали ҳам ўз кучида қолмоқда. Лекин уларнинг бинолари ва мол-мулклари мусодара қилинган эмас. Аргентина коммунистларининг газетаси «Нуэстра палабра» босмахонаси ҳарбийлар томонидан ишғол қилинди.

Айни вақтда ўта ўнг ва сўл ташкилотларнинг давом этаётган террорчилик ишларига қарши кураш кучайтирилди.

РЕСПУБЛИКАНИНГ ДАДИЛ ОДИМИ

ВЬЕНТЬЯН, 7 апрель. (ТАСС). Лаосликлар Меконг дарёси водийсини «мамлакатнинг ғалла кони» деб атайдилар. Шолипоялар дарёнинг иккала соҳили бўйлаб бир неча юз километрга чўзилади. Ҳозир водийда кўкламги дала ишлари бошланди. — механизаторлар шоли экмоқдалар. Улар зўр ғайрат-шижоат билан ишламоқдалар. Бунинг ажабланадиган жойи йўқ: қадимий Лаос диёрида шод-хуррамлик бошланди — бултур декабрь ойида монархия тугатилиб, Лаос Халқ Демократик Республика деб эълон қилинди. Янги революцион ҳукумат ўз мақсади социализм қуришдан ва халқ манфаатлари йўлида ўзгартишлар бошлашдан иборат эканлигини эълон қилди.

Қишлоқ хўжалигига катта эътибор берилмоқда. Бу тармоқни ривожлантириш — мамлакатни иқтисодий жиҳатдан юксалтиришнинг гаровидир. Ҳукумат помешчикларга карашли ерларни деҳқонларга олиб бермоқда, ерни биргалашиб ишлайдиган группаларни тузмоқда.

Революцион ҳукумат мақмурлари эгалари чет элга қочган саноат корхоналарини ишга туширишга чораларини кўрмоқдалар. Ишлаб чиқаришни қайтадан йўлга қўйиш билан боғлиқ бўлган ҳаражатларнинг бир қисмини давлат ўз зиммасига олмоқда.

Дуруст ривожланмаган транспорт системаси Лаос-нинг иқтисодий ривожига халақит бермоқда. Ҳукумат қабул қилган уч йиллик планда йўллар шохобчасини тез ривожлантириш кўзда тутилган. Лаос пойтахти Вьентьян мамлакатнинг энг олис бурчакларн ўртасида ҳам янги ва фаол йўллар қурилади.

Лаос халқига Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар катта ёрдам бермоқдалар. СССР ёрдамида граждан авиацияси ташкил этилди, совет учувчилари лаослик дўстларига ўз тажрибаларини ўргатиш билангина чегараланиб қолмасдан, халқ хўжалиги юкларини ва пассажирларни ташишда ҳам қатнашмоқдалар. Совет Иттифоқидан Лаос Халқ Демократик Республикасига металл кўпаш станоклари, двигателлар, автомашиналар, ёқилғи ва бошқа моллар юборилиб турибди.

Аҳолининг турли қатламлари вакилларини ўз сафларида жипслаштирган Лаос ватанпарварлик фронти халқни муҳим вазифаларни ҳал этишга сафарбар қилаётган етакчи сиёсий ташкилотдир. Бу фронт 20 йил мобайнида халқ революцион партия раҳбарлигида миллий мустақиллик, озодлик ва социал тараққиёт учун кураш олиб борди. Шу давр ичида империализм кучлари, милитаристик-бюрократик ва феодал реакция кучлари устидан кўп марталаб ғалаба қозонилди.

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

◆ БАМАКО. Мали пойтахтида очилган совет китоблари виставкасига КПСС XXV съездининг ҳужжатлари, марксизм-ленинизм классикларининг асарлари, шу жумладан В. И. Ленининнинг кўпгина асарлари, КПСС фаолияти тўғрисида ҳикоя қилувчи китоб ва брошюралар кўплаб қўйилган.

◆ ЛОНДОН. Буюк Британия Коммунистик партиясининг «Ред леттерс» деб аталган адабий журналининг биринчи сони босмадан чиқди. Журнал Буюк Британия Компартияси Ижроия Комитетининг маданият масалалари билан шуғулланувчи комитети ҳузуридаги адабий группа томонидан нашр этилади. Журнал саҳифаларида адабиётни марксистик анализ қилиш проблемалари билан шуғулланувчи муаллифларнинг материаллари кенг босилади.

◆ ХАНОЙ. Нородом Сианук демократик Кампучия (Камбоджа) давлати бошлиги лавозимидан истеъфо берди. Пномпень радиосининг хабар қилишича, шу йил 20 мартда сайланган халқ вакиллари кенгашининг куни кеча чақирилган биринчи сессиясига ана шу илтимос билан мурожаат этди. Информация министри Ху Ни Нородом Сиенукнинг истеъфоси қабул этилганлигини радио орқали эълон қилди. Шу вақтгача бош министр ўринбосари ва миллий мудофаа министри лавозимларини эгаллаб келган Кхиеу Самфан давлатнинг янги бошлиғи бўлди.

◆ БОНН. Ҳозирги вақтда фашист ҳунтасининг турмаларн ва камок лагерларида чилилик ватанпарварлардан етти мингдан кўпрок киши азоб чекмоқда. Фашист генераллар 1973 йилнинг сентябрида қилган қонли тўнтаришдан бўён бир неча минг киши чет-нишонсиз йўқолиб кетди. «Нойе Рейн-Цайтунг» газетасининг ёзишича, Чили меҳнаткашлари бирлашган касаба союз марказининг раҳбари Фигерое ана шу гапларни айтган.

◆ БЕРЛИН. Европадаги деярли барча давлатларнинг олимлари Европа физика жамиятининг Лейпцигда очилган мажлисида иштирок этмоқдалар. Улар ёш физик олимлар тайёрлаш масалаларини муҳокама қилиб, жамиятнинг келгусидаги иш планларини белгиламоқдалар.

(ТАСС).

ШАРҚ ҚАЛДИРҒОЧИ

...Кенг кўм-кўк дала қучоғида бир тўда болалар пода ҳайдашиб гурунглашиб ўйнаб юришибди. Улар сигирбузоқ, қўй-қўзиларини ўтлатишга қўйиб, ҳаммалари бир ерга тўпланиб олишди-да, олис-олисларга тикилиб бараварига «Тамара, ҳой, Тамара бу ёққа кел, биз бу ердамиз» дейишди. Эгнига қизил қўйлак кийган, сигир етаклаган Тамара улар ёнига келди. Болалар Тамарадан ашула айтиб беришини сўрадилар. Қизча худди шуни кутиб тургандек кўзларида қувонч ўтлари ёниб ўртага тушди. Ҳам ўйнаб, ҳам куйлай кетди. Болалар чапак чалиб уни олқишлашдилар. Унинг наздида қўшиқдан юксак, қўшиқдан сеҳрли ҳеч нарса йўқдай эди бу оламда. Кўча-кўйларда чалинаётган сурнай, ноғора, қўни-қўшниларда бўладиган тўй маросимлари ёш Тамарасиз ўтмайдиган бўлиб қолади.

Тамара мактабнинг бошланғич синфларида ўқиб юрган йилларини ҳам ҳаяжон билан эслайди: «Бизнинг синф интернационал синф эди. Синфимизда ҳар хил миллат вакилдари таълим оларди. Ҳали-ҳали ёдимда 1916 йилнинг баҳор кунларининг бирида мактабимизда қандайдир йиғилиш ўтказилди. Бизнинг синф ўқувчилари бу мажлисда томоша кўрсатишимиз керак эди. Менга «циган қиз» ўйини топширилганди. Мен бу ўйинни шундай ихлос, меҳр билан ўйнадимки, залда ўтирганларнинг ҳаммаси қарсак чалиб олқишлашди. Айниқса, синф раҳбаримиз жуда хурсанд бўлди-да онамнинг ёнига келиб «қизингизда анча талант бор» деди.

Тамарахонимдаги тетиклик, ёшлик нафосати, ҳаётга бўлган меҳр, санъатга бўлган иштиёқ ижодий изланишлар кишини қайратда қолдиради. Киши Тамарахоним билан суҳбатлашиб қолса, ундаги ҳушчақчақлик, санъатни бутун борлиғи билан севиши, ўзини санъат учун, халқ учун фидо этган улкан санъаткор эканлигига ишонч ҳосил қилади.

Тамарахоним дунёнинг кўп мамлакатларида ўз санъатини намойиш қилган санъаткор. У 86 миллат халқ қўшиқ ва рақсларини гўё ҳўди шу халқнинг моҳир санъаткори ижро этгандек ижро этади. Унинг қўшиқлари халқ дилига жуда яқин. Чунки у айтадиган қўшиғини энг аввало образли бўлишига чуқур маъносига, куйига катта эътибор беради. Халқнинг урф-одати, орзу-интилишларини яхши ўрганади. Шунинг учун ҳам унинг ялла ва рақсларини халқ ўз хонандаси ижро этгандек беради-да тинглайди.

У ўқувчилик йилларини эслаб, ҳикоя қилар экан, энг биринчи устози Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг номини фахр билан тилга олади:

«Бир куни хор бўлиб қўшиқ айтиб турган эдик, хонамизга ичидан яшилранг гимнастёрка кийлак, шу рангда шим, оёғида кўн этик, устидан беқасам тўн, бошига қўқон дўппи кийган истаралик бир киши кириб келди. Биз унга аҳамият бермай қўшиғимизни давом эттиравердик. Қўшиқ тугагандан кейин у бизни олқишлаб ёнимизга яқинлашдида. «Орангизда ким ўзбекча ашула айта олади?» деб сўради. Ҳаммамиз болалар бараварига мени кўрсатишди. «Қани билган қўшиғингни айтчи», деди у киши менга. Мен ўзим ўрганган «Онажоним» қўшиғини айтиб бердим. Шунда у мен йўл қўйган хатоларимни тузатиб, шу куни кечқурун гемир йўлчилар клубига бориб, шу қўшиқни айтиб беришимни илтимос қилди. Мен дугоналарим билан клубга бориб ўша қўшиқни айтиб бердим».

Шу-шу бўлди-ю устоз ва шогирд ўртасида ижодий ҳамкорлик боғланди. Бу революция ғалаба қозонишининг дастлабки йиллари эди. «Ўша йиллари артист бўлиш камлик қилар, қурашчи ҳам бўлмоқ керак эди», дейди Тамарахон.

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий бошчилигидаги актив курашчи ва истеъдодли санъаткорлар—Қори Ёқубов, Уста Олим Комилов, Юсуфжон қизиқ Шакаржонов, Тўхтасин Жалилов, Жўрахон Султонов, Ҳожисидиқ Исломовлар қаторига биринчи шарқ қалдирғочи ёш фарғоналик санъаткор Тамарахон ҳам келиб қўшилди.

1920 йиллар охирида Тамарахоним ўзбек совет санъатини яратиш ва яшнатиш учун олиб борилган кескин курашнинг олдинги сафларида хизмат қилди.

У қўпгина музикали драма спектакларида ўйнади, ранг-баранг ролларда раққоса, қўшиқчи ва драма артисти бўлиб иштирок этди.

1932 йили Тамарахоним Ўзбекистон халқ олимпиадаси учун оммавий ва якка рақс учун программани устози Уста Олим билан тайёрлаб катта муваффақиятни қўлга киритди. Шу йили музика ва рақс санъатини ривожлантиргани ҳамда хореографик кадрлар етказгани учун Тамарахоним Ўзбекистон ССР Халқ артисти деган унвонга сазовор бўлди.

1935 йилда эса Лондонда бўлиб ўтган кўрикда ўзбек халқи санъатини маҳоратли ижро этгани учун Уста Олим Комилов билан Тамарахоним «Олтин медаль» олишга сазовор бўлдилар. Улуғ Ватан уруши йилларида санъаткор Ленинград, Белоруссия, Закавказье фронтларида курашаётган жангчилар билан учрашиб, уларга ўзининг ёқимли қўшиғи, жозибали лапар ва рақслари билан янги куч ва янги қудрат оламолам қувончу бахшида этган жонкуяр санъаткордир.

Ҳа, қўшиқ инсон учун энг оғир кунларида ҳам, қувончли дамларида ҳам энг яқин ҳамдарди ва ҳамроҳидир. Уруш йиллари кўрсатган фидокорона меҳнати ва жасорати учун Тамарахоним бир неча жанговар орден ва медаллар билан мукофотланди.

Совет санъати соҳасидаги баракали хизматлари учун Тамарахонимга 1956 йили «СССР халқ артисти» деган юксак унвон берилди.

Улкан санъаткор Тамарахонимга, бутун умрини санъат учун, халқ учун бахшида этган тинмас ижодкорга узоқ умр, яхши кайфият ва ғўзал баҳор каби қайноқ завқ ва илҳом тилаб, муборак 70 баҳорлари билан чин дилдан қутлаймиз.

НИЛУФАР.

„СОЮЗПЕЧАТЬ"— ЯНГИ БИНОДА

6-трестга қарашли 32-қурилиш бошқармаси коллективи бунёд этган янги бинога республика «Союзпечать» бошқармаси, шу пайтгача тарқоқ ҳолда жойлашган шаҳар ва республика агентликлари, базалар кўчиб ўтди.

Бинода шунингдек филателистлар учун ҳам алоҳида хона ажратилган. Ҳозир «Союзпечать» ходимлари бино атрофини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини авж олдириб юбордилар. Шанбаликларда 60 туп чинор, 400 туп атиргул ва бошқа навниҳоллар ўтқазилди.

Б. ГАНИЕВ.

ЕР ҚИМИРЛАДИ

8 апрель эрталаб соат 8 дан 41 минут ўтганда Ўзбекистон территориясининг каттагина қисмида ер қимирлаганлиги сезилди.

«Тошкент» марказий сейсмик станциясининг берган маълумотига қараганда бу силкинларнинг ўчоги Марказий Қизилқумда. Зарафшон ва Бухоро шаҳарларидан 100 километр узоқликдадир.

Зилзила марказида ер қимирлаш кучи дастлабки маълумотларга қараганда 8 баллга етган. Зарафшон ва Бухоро шаҳарларида 7 балл, Навоийда 6-7, Самарқандда 5, Тошкентда ва Қозоғистон ССРнинг Чимкент областида 4, Фарғона водийсида эса 3 балл куч билан ер силкинди.

Ҳар ниҳолда бир ўзгача оролик,
Ҳар кўкатда бир ўзгача раънолик,
Ҳар чеҳрада баҳор гашти нурафшон,
Қўлда китоб, унинг меҳри бир жаҳон.

А. Тўраев фотоэтюди.

ДЕҲҚОНЛАР МЕҲМОНИ

Яқинда «Оҳангарон» совхози механизаторлари ҳузурига Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Абдулла Орипов, Илёс Муслим, Эркин Самандаровлар меҳмон бўлиб келишди.

«Ўнинчи беш йиллик — адиблар илҳомида» деб аталган бу кечада қаламкашлар Москвада ўтказилган ўзбек шеърияти кунлари ҳақидаги таассуротларини айтиб бердилар, янги асарларидан намуналар ўқидилар.

М. ҚАЮМОВ.

ТЎЙТЕПА ЖАМОЛИ

Автобусимиз шаҳар бошланишини билдирувчи белгидан ўтиши билан манзара ўзгарди. Баҳор нафаси жўшаётган бағри кенг далалардан сўнг йўлнинг ҳар икки тарафида замонавий шинам уйлар кўзга ташланди. Магистрал кўча бошланишида: «Қурилиш ишларини 6-трестнинг 2-механизациялашган кўчма колоннаси коллективи олиб боряпти» деган ёзув ингоҳимизни ўзига жалб этди. Автостанция яқинидаги қатор улкан бинолар, муҳташам «Ором» ресторани ва «Гуландом» универмаги ўтган беш йилликнинг қудратли одими ҳақида ҳикоя қилаётгандек.

Шаҳар ижроия комитети жойлашган бинога тротуар йўлка бўйлаб одимлар эканмиз, бу навқирон шаҳарчанинг ўзига хос ансамбли, кўрки қалбимизда севинч уйғотди.

Тўйтепа — 1973 йилда шаҳар номини олди. Ўрта Чирчиқ райони партия, совет органлари шаҳарнинг экономикасини мустаҳкамлаш, кўркига-кўрк қўшиш борасида алоҳида ғамхўрлик кўрсатдилар. Янги турар жойлар, турли муассасалар аҳоли хизматига топширилди.

Бугун кўзга ташланаётган манзара бутунлай ўзгача. Шаҳар марказида уч қаватли маиший хизмат уйи, 100 ўринли шинам меҳмонхона, санитария-эпидемиология станциясининг маъмурий биноси қуриб битказилди. 10 минг томошабинга мўлжалланган стадион, аптека, машина-ҳисоблаш станцияларининг бинолари ҳам тўққизинчи беш йилликнинг маҳсули.

Ёш шаҳар бугунги кунда бунёдкорлик режаларини амалга ошириш йўлидан дадил бормоқда. Ҳозирги пайтда Тўйтепада бир неча йирик саноат ва қурилиш ташкилотлари мавжуд. Шаҳар марказидаги тикувчилик фабрикаси 350 нафардан зиёд хотин-қизларни ўз бағрига олган.

Шаҳар комплекс қурилиш плани асосида қад кўтармоқда. Шаҳар ижроия комитети ободонлаштириш ва қурилиш ишларига катта эътибор бермоқда. Уч йил мобайнида бу мақсадлар учун 258 минг сўмга яқин маблағ сарфланди.

Аҳолининг маданий турмуш даражаси кундан-кунга ўсмоқда. Ўзбекистон ССР 50 йиллиги номли истироҳат боғи, «Комсомол 40 йиллиги» кинотеатрининг ходимлари кишиларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари учун барча чора-тадбирларни кўраётирлар. Шаҳардаги касалхона, марказий поликлиника врач ва ҳамширалари инсон саломатлигини сақлашдек фахрли вазифани шараф билан бажаришмоқда.

Шаҳар Совети депутатларининг сайловчилар наказларига эътибор билан қарашлари туфайли транспорт хизмати яхшиланди. Такси автобус паркининг ишга туширилиши шаҳарнинг иқтисодий мавқеини янада оширди. Тўйтепа билан «Ленин йўли», Акмал Икромов номли, «Коммунизм» колхозлари ўртасида янги автобус маршрутлари очилди. «Тўйтепа—Тошкент денгизи» маршрутининг очилиши эса кўпчилик дам олувчилар учун яна бир қулайлик яратди.

Партиямиз ўзининг XXIV съездида мактаб ва маориф ишларини янада яхшилашни кўзда тутган қатор қарорлар қабул қилган эди. Шаҳар Совети бу қарорларни ўз фаолиятига дастур қилиб олди. Маърифат масканларидаги кўпгина ишлар қайтадан кўриб чиқилди. Ҳозирда бешта ўрта умумтаълим мактабида 3.603 ўқувчи билим олмоқда. 478 педагогнинг кўпчилик қисми олий ва махсус таълим эгалари. Ишлаб чиқаришда иштирок этаётган ёшлардан 250 нафари кечки мактабларга қатнамоқда. Ўсмирлар спорт мактаблари, пионерлар уйининг турли тўгараклари ҳамда музика мактаби яхши фаолият кўрсатмоқда.

Кичкинтойлар тарбияси алоҳида диққат-эътиборда. Шаҳар меҳнаткашларининг 876 фарзанди олтита замонавий жиҳозланган болалар боғча ва яслиларда тарбияланмоқда.

Шаҳар Советининг депутатлари жамоат тартибини сақлаш ишида ҳам жонкуярлик кўрсатиб, депутат халқимизнинг фидокор вакили эканлигини амалда исботламоқдалар. А. Муродов ана шундай активлардан бири. Унга сув билан таъминлаш юзасидан наказ тушди. У бу наказни пухта ўрганиб чиқиб, шаҳар Совети муҳокамасига қўйди. 15 минг сўм капитал маблағ ўзлаштирилиб, шаҳарнинг Киров ва Учқун маҳаллалари сув билан таъмин этилди. Мукимий кўчасини ободонлаштириш иши ҳам шу хилда ниҳоясига етказилди.

Дарҳақиқат, шаҳар Совети депутатлари халқ наказларини имкони борича тўлиқ ва ўз вақтида бажариш йўлида тиним билмайдилар. Шунинг самараси сифатида 1.000 номерли автомат телефон станцияси ишга тушди, Оржоникидзе, Охунбобоев кўчалари, 1-ўрта мактаб ҳозлиси ҳамда Киров ва Ойбек кўчаларининг маълум қисмига асфальт ётқизилди. Шаҳар тўла газлаштирилди.

Хотин-қизлар шаҳар жамоатчилиги ҳаётида активлигини ошириб этишмоқда. Уларнинг 25 нафари шаҳар Советининг депутати сифатида фаоллик кўрсатаётир. Айниқса, район газлаштириш корхонаси ишчиси Шахло Исомиддинова, колхозлараро қурилиш трестининг ишчиси Валентина Субачус каби халқ вакиллари ишда намуна кўрсатиш билан бирга хотин-қизлар ўртасида актив жамоат ишлари олиб бормоқдалар.

Шаҳар Советининг сессияларида янгича урф-одатларни жорий этиш, маиший хизмат, савдо соҳасини яхшилаш, соғлиқни сақлаш, ободонлаштириш, коммунал хизмат сингари қатор актуал масалалар тез-тез муҳокама этилади. Сессия қарорларининг ўз вақтида бажарилишини таъминлаш мақсадида депутатлар доимий комиссияларининг вақти-вақти билан ҳисоботи тинглаб борилади.

— Партиямизнинг XXV съездида мамлакатимизда саноат ва қурилишнинг келгуси беш йиллик уфқлари кўрсатиб берилди,— дейди шаҳар ижроия комитетининг раиси Тўлқин Солиев,— бу илҳомбахш ҳужжатларда ёш шаҳарлар экономикаси, халқ хўжалиги ва турмуш маданиятини юксалтириш ҳақида ҳам яхши гаплар айтилган. Бизнинг режаларимиз ҳам катта. Шаҳар Совети, ҳарбий комиссариат, давлат банки учун маъмурий бинолар қурилишни мўлжаллаяпмиз. 624 ўринли мактаб ва кичкинтойлар учун иккита боғчалар боғчаси ишга туширилади. Яқинда сув хўжалиги ходимлари учун маъмурий бино, икки қаватли мактаб-магазин қурилиши бошлаб юборилади. Аҳолини янги уй-жой билан таъминлаш мақсадида шаҳар территориясида жами 5 минг квадрат метр қурилиш ишларини бажарамиз.

Партия раҳбарлигида ижодкор халқимиз мамлакат бўйлаб улкан бунёдкорлик ишларини амалга оширмоқда. Серқуёш республикамизда ҳам янги-янги саноат марказлари, кўркам шаҳарлар пайдо бўлмоқда. Улар орасида навқирон шаҳар — Тўйтепа ҳам жадаллик билан қад кўтармоқда.

А. БОБОБЕКОВ.

СУВ ОСТИДА ИККИ СОАТ

РЕПОРТАЖ

Йигитлар навбатдаги шўнғишга тайёргарлик кўришаётганда тоғ тарафдан шабада эсар, қайтишимиз енгил тебраниб турарди.

Ғоввос Рифат Сейтмеметов шлеминн кийди-да, ҳаммаси тайёр, дегандек ишора қилди. Кейин сувга тушиб, кўздан ғойиб бўлди...

— Ҳозир у саксон метр чуқурликка тушади, — тушунтирди қутқариш жамияти (ОСВОД) марказий Советининг бош мутахассиси П. Ф. Ширин. — Илгарилари бундай чуқурликка тушишни ўйлаш ҳам мушкул эди. Ҳозир эса...

Орадан кўп вақт ўтмай Сейтмеметов махсус телефон орқали иш бошлаганлиги тўғрисида хабар қилди. Унинг зиммасига Чорвоқ гидроэлектростанцияси сув каналининг бошланишини ҳар хил чиқинди, тош ва қумдан тозалаш вазифаси топширилган эди.

Ғоввослар... Чиндан ҳам бу кишиларнинг касби оғир, машаққатли ва айни вақтда улар муҳим ишни бажаришади. ОСВОД марказий Совети ранси А. Мамажонов шу ҳақда бизга қуйидагиларни ҳикоя қилиб берди:

— Ўзбекистонда йилдан-йилга кўплаб ерлар ўзлаштирилмоқда. Янги очилган ерларни суғориш учун сунъий сув ҳавзалари, замонавий гидротехник иншоотлар қурилмоқда. Ана шу иншоотларни вақти-вақти билан кўрикдан ўтказиб, тозалаб туриш талаб қилинади.

Тошкент ғоввослари иш бошлаганларига кўп вақт бўлмади. Йигитларимизнинг ҳар бири беш метрдан саксон метргача чуқурликда сув ҳавзаларига юз мартадан кўпроқ тушиб чиққан. Уларнинг ҳаммаси Ҳарбий-Денгиз Флотида хизмат қилиб қайтишган.

Жумладан, катта матрос Р. Сейтмеметов Болтиқда, иккинчи даражали старшина О. Келдиёров ва матрос К. Шаропов Шимолий флотда хизмат қилган. Ўчинчи ранг капитани Петр Филиппович Ширин эса ўттиз йилга яқин умрини денгиз-у океанларда, Шимолий флотда ўтказган. Ветеран денгизчи энди ана шу довюрак йигитларга раҳбар, ғоввосларнинг бош мутахассиси.

— Бизда шундай ҳавзаларимиз борки, чуқурлиги бир неча юз метрдан ошади, — дейди П. Ф. Ширин. — Чуқурлик олтмиш метрдан ошгандан кейин сувнинг босими кўпайиб, юз тоннадан ошиб кетади. Шунинг ўзиёқ, ғоввосларнинг иши қанчалик мураккаб эканлигини кўрсатиб турипти.

Аммо, бундай кучли босим тажрибали ғоввослар учун ҳеч гап эмас, улар ўрганиб кетишган. Бунинг устига киши организмида 67—70 процент сув борлиги босимнинг таъсирини билинтирмайди. Нормал нафас олиш учун эса ғоввос қандай чуқурликда ишлаётган бўлса, шундай босимда ҳаво берилади.

— Чуқурроқ ерга тушиш учун қандай тайёргарлик кўрилади.

— Баъзида бунинг учун ойлаб машқ қилишга тўғри келади. Улар дастлаб ўн, кейин эса ўн беш метр чуқурликда иш олиб борадилар. Ана шундай қилиб тобора чуқурроқ туша бошлайдилар. Бу машқларга запасдаги подполковник, собиқ флот врачи А. И. Росляков раҳбарлик қилмоқда.

...Р. Сейтмеметов сувдан чиқди. Энди навбат — И. Химичга. Унга ғоввослар кийими, шлемни кийдиришди. Ана шу «кийим-кечак»нинг ўзи 80 килограммдан ошади. У рухсат олиб, дўсти бошлаган ишни давом эттириш учун сувга шўнғиди. Икки соат ичида кўпгина ишларни бажариш керак.

Қайиқда ғоввосларнинг жиҳозлари ёнида, пайвандчилар ва дурадгорларнинг асбоб-ускуналари ҳам бор эди. Буларнинг нима зарурати борлиги билан қизиқдик.

— Ғоввос ҳамма нарсани уддалай билиши керак, — тушунтирди Петр Филиппович. — Сув остида ҳар қандай иш қилишга тўғри келади...

Оқшом чўмди. Сўнгги ғоввос ўз ишини тугатиб сувдан чиқди. А. И. Росляков унинг қон босимини ўлчаб, юрак уришини текшириб кўрди. Қолганлар эса ўз ишлари билан банд эди.

А. ФИТЦ.

ҚОРОНҒИДА ТОПИШГАНЛАР

Сукунатни мотоциклнинг беҳосдан тариллаши-ю, хуштак овози бузди. Кутилмаганда эшитилган нохуш товушга у ер, бу ердан эринибгина қишлоқ итлари «жўр» бўлишди. Бир-икки лаҳзадан сўнг яна сокинлик Кенсойни ўз оғушига олди. Йўл чеккасидаги сўнгги уйда ҳам чироқ ўчди. Ана шу хонадонга туташ хўжаликда эса эшик охиста «ғийқ» этиб очилди ва аллақандай кўланка дарахт паналаб ташқари томон илдам юриб кетди.

— Совхозга ҳайда, — деди у мотоциклга тирмашаркан. — Сиқилиб кетдим, бироз кўнгил очиб келайлик.

Ҳайдовчи маъқул дегандек бош иргаб қўйди. Зумда мотоцикл тариллаганча зулмат қўйнида ғойиб бўлди.

* * *

— Вовка, шу ерда тўхтатақол, — деди Карам Боговеевга тирмашиб олган Саша муюлишдаги қайрағоч остига яқинлашилгач. — Ҳали жой экан, келишиб олсак.

— Негадир шу ишга кўнглим чопмаяпти, — мотоциклни дарахтга суяб қўяркан эътироз билдирди сочлари елкасига тушган, қотмадан келган ўспирин.— Менсиз қилаберинг.

Ўртага совуқ сукунат чўкди. Гевгартнинг бундай тасодифан «ўйиндан» чиқиб кетиши шериклари ўйлантириб қўйди. Айниқса, «операция» раҳбари Кулешовнинг фигони фалакка кўтарилди. У қўлидаги сигаретни шошa-пиша тортаркан, хириллаган овозда Володяга дағдаға қилди:

— Шундай дегин. Мотоциклга эҳтиёт қисмлар керак. Бир йўлини топсангчи, деган ким эди? Еки бошқа ёқдан бирон нарса ўмардингми?

— Ҳа, йўқ. Мен шунчаки... — ғўлдиради Владимир Гевгарт.

Шу билан орадаги кўнгилсизлик барҳам топди. Кулешов режаси амалга ошадиган бўлди. Кўнгли таскин топган шарпалар гапни бир жойга қўйиб, турли ёққа тарқалишди.

Мартнинг 18-куни эрталабдан ҳаво айниди. Изгиринли шабада эсиб, тарқоқ булутлар қуюқлашди, пешинга бориб ёмғир томчилай бошлади. Бу орада Александр Кулешов кўз остига олинган «объектни» яна бир бор айланиб, донлаб юрган куркаларни эринмай санаб чиқди. Товуққхонага яқин бостирмадаги латта-путталар, темир-терсак, ҳатто ташландиқ қопларгача эътиборидан четда қолмади.

Аввалги гал ношудлик қилиб панд еганини Кулешов ҳали унутмаганди. 20-мактаб буфетига тушганида қоровулдан еган калтаклари, кўни-қўшнилар берган дашномлар кечагидек ёдида. Ёшлиги, табъа-тазарруги, ота-онасининг кўз ёшлари инобатга олиниб жазодан қутилиб қолганди ўшанда. Саша буларни унутмаганди.

Бир амаллаб кун кеч қилинди. Наридан-бери кечки нонушта қилган Кулешов эгнига иссиқ кийимларини кийиб, совхоз томон йўл олди. Шериклари белгиланган жойга аллақачон етиб келишганди. Шунинг учун кутавериб тоқати-тоқ бўлган Рустам Бобоев Сашага кўзи тушган ҳамоно ўзини тутиб туролмади.

— Бу қанақаси бўлди? Соат нечага келишган эдик? — деди у Сашани қойиган бўлиб.

— Шошма, анави чурвақаларни кўрмайсанми. Уй-уйларига тарқалишсин сўнгра, — кўчада юрган болаларга ишора қилди Кулешов.

Ниҳоят болаларнинг ғалаёвури тинди. Бир-бир уйлардаги чироқлар ўчди, борлиқ аста уйқуга бош қўйди. Кулешовнинг ишораси билан Гевгарт четандан сакраб ўтиб, оёқ учида товуққхонага яқинлашди. Алланарса «шилқ» этгандек бўлди. Карам ва Рустам товуш чиққан томон югуришди.

— Мана қоплар, — шивирлади қаердандир пайдо бўлган Кулешов. Учтадан ортиқ солманглар, димиқиб ўлади.

Дарвоқе, Саша ёш бўлсада бундай қинғир ишларда устаси фаранглардан эди. Қўни-қўшниларнинг қанчадан-қанча товуқларини, ҳатто мотоцикларни сув қилиб юбормади, лекин бирон марта ҳам ёпиғлиқ қозон очилмади.

* * *

Товуқлар қўноқни тарк этмаган бир пайтда қоп орқалаган тўрт йигит кўприк остидан чиқиб, такси тўхтатдилар. Олой бозори томон машинасини бурди ва беш сўмни чўнтакка уриб кўздан ғойиб бўлди. Муттаҳамлар эса ишнинг бундай «хамирдан қил суғургандек» тугашидан мамнун ҳолда изларига қайтишди.

Тошкент район ички ишлар жиноят қидирув бўлими бошлиғи, милиция лейтенанти Соҳибназар Ғоипов бошлиқ оператив группа ходимлари «рейд»ни ниширокчиларини бир-бир қўлга олишди.

* * *

Рўпарамизда Тошкентдаги 83-ҳунар-техника билим юртининг иккинчи курс талабаси А. Кулешов, СПМК ишчиси Владимир Гевгарт, 10-авторемонт заводи слесари К. Боговеев, энергомонтаж бошқармасининг электр монтажчиси Р. Бобоевлар ўтиришибди. Улар эндигина 17—18 баҳорни кўришган. Сочлари елкасига тушган кийимлари кир-чир.

— Қинғир ишнинг оқибати шундай тугашини ўйлагандингизми?— савол ташлаймиз уларга.

Лекин акс-садо чиқмайди. Шундай бўлиши ҳам табиий. Ҳали мўйлови чиқмаган ўсмирларнинг бундай тубанлашиши тасодифий ҳол эмас. Ичкиликка ружу қилиш, маишатга берилиш, енгил ҳаёт тарзи оқибат натижада ана шундай қора кунсинга ўтириш билан тугалланади.

Фарзандларининг оёқ олиши ўзгараётганини, кечалари бевақт дайдиб юришларини ота-оналари, ўқиб ёки ишлаб турган коллектив раҳбарлари билишмаганмикан? Бизнингча билишган. Қаердаки, хох у уйда бўлсин, хоҳ мактабда ёки корхонада таълим-тарбия ишлари оқсаса, назорат сусайтирилса бу ҳол юқорида тилга олинган ҳунук оқибатга олиб келиши шубҳасиз.

Я. САЛИМОВ.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ

Спорт

ФУТБОЛ ЯНГИЛИКЛАРИ

СССР терма командаси футболчилари Европа чемпионатининг чорак финал матчида Чехословакия командаси билан бўладиган учрашувга кизғин тайёргарлик кўрмоқдалар. Яқинда футболчиларимиз ана шу тайёргарлик босқичида Францияда ўртоқлик учрашуви ўтказадилар.

Шатору шаҳри командаси билан бўлган учрашувда совет футболчилари аниқ устунлик намойиш қилдилар. Улар майдон эгаларини 2:0 ҳисобида мағлубиятга учратдилар.

Мамлакат терма командаси составида 9 киевликдан ташқари москвалик спортчилардан Ловчев ҳамда Минаевлар ҳам майдонга чиқишди.

Арманистон пойтахтида эса Совет Иттифоқи ёш футболчилари ўсмирлар ўртасида Европа чемпионатининг саралаш матчида Германия Демократик Республикаси терма командаси билан куч синашдилар. Қизиқарли ўтган бу учрашувда ҳам 2:0 ҳисобида СССР футболчилари устун келдилар.

ЧЕМПИОНАТ СТАРТ ОЛДИ

Кеча пойтахтдаги марказий шахмат-шашка клубида олий лигада ўйновчи эркак шахматчилар ўртасида Узбекистон чемпионати бошланди.

Бу йилги чемпионат қатнашчилари анча тажрибали ва кучли спортчилардир. Ғолиблик учун курашаётган 16 кучли шахматчи орасида спорт мастерларидан Е. Мухин, Д. Қаюмов, М. Рудерфер, И. Иванов, С. Пинчукдар бор.

Кейинги йилларда кўзга кўриниб қолган ака-ука Аъзамовлар ҳам чемпионатда иштирок этишмоқда. Бу йил Валерий ва Георгийлар ёнига уларнинг укалари Вячеслав ҳам қўшилди.

Шахмат тахталари устидаги баҳслар 20 кун давом этади. Энг кучли деган ном олган шахматчиларимиз СССР чемпионатига йўлланманн қўлга ритадилар.

ОЧИҚ БИРИНЧИЛИК

Марказий «Пахтакор» стадионида камондан отиш бўйича республиканинг дастлабки очиқ биринчилиги ниҳоясига етди. Ўзбекистон ва Туркманистоннинг 46 кучли спортчиси чемпионлик унвони учун ўзаро мусобақалашдилар.

Очиқ биринчиликда тошкентлик спортчилар муваффақиятли қатнашишди. Эркаклар ўртасида Т. Юсупов, аёлларда эса Б. Чеку фахрий шоҳсупа тўрига кўтарилди. Аёллар ўртасида яна бир ҳамшаҳримиз — Г. Тевес ҳам яхши натижа кўрсатиб, иккинчи ўринни олди. Учинчи ўринни эса ашхабодлик И. Панченко ишғол қилди. Эркаклардан А. Доник иккинчи, ашхабодлик Б. Муродов учинчи совриндор бўлди.

БРОНЗА МЕДАЛИ

Литванинг Паневежис шаҳрида ўсмирлар ўртасида волейбол бўйича СССР биринчилиги ниҳоясига етди. Финал учрашувларда 8 команда майдонга чиқди.

Ўзбекистонлик ёш волейболчилар биринчилик ўйинларини юксак савияда ўтказдилар. Ҳал қилувчи учрашувларда вакилларимиз аҳиллик билан ўйнаб, фахрли учинчи ўринни эгалладилар ва бронза медалларини қўлга киритдилар.

Утган йилги биринчиликда Ўзбекистоннинг ёш волейболчилари саккизинчи ўринни ишғол қилишган эди. Бир йил ичида беш погона юқорига кўтарилиш албатта, катта муваффақиятдир.

Реклама ва эълонлар

ТОШКЕНТ ШАҲАР «ЮНУСОБОД» МАССИВИ, А-3 КВАРТАЛИДАГИ «МАИШИЙ ХИЗМАТ УЙИ»ДА
(24, 51, 73-автобуслариинг «Маиший хизмат уйи» бекати).
ЯНГИ ФОТОАППАРАТУРАЛАР ВА ФОТОУСКУНАЛАР БИЛАН ЖИҲОЗЛАНГАН

7-ФОТОСАЛОН ОЧИЛДИ

БУ ФОТОСАЛОНДА БАДИИЙ ВА ҲУЖЖАТЛАР УЧУН ФОТОСУРАТЛАР, ҲАМДА ЯНГИ НАМУНАЛИ ПАСПОРТ УЧУН ФОТОСУРАТЛАР ТАЙЁРЛАБ БЕРИЛАДИ.

Шунингдек, фотосалон фотопортретлар, фотовинетналар ва фотоальбомлар тайёрлаб бериш учун буюртмалар қабул қилади.

ЯНГИ 7-ФОТОСАЛОНГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ.
«ФОТОРЕКЛАМА» КОМБИНАТИ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00 — МОСКВА. 18.00 — ТОШКЕНТ. 18.05 — Мультфильмлар. 18.40 — Тўямўйин гидроузели — зарбдор қурилиш. 19.15 — «Ахборот». 19.30 — Оламга саёҳат. 20.20 — «Совет Ўзбекистони» (тележурнал). 20.30 — «Ўзбекистон чорвадори». 21.00 — «Ахборот». 21.20 — «Партия планлари — халқ планлари». Ўзбекистон Компартияси Андижон область комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев билан суҳбат. 21.30 — Най наволари. 22.00 — «Вақт». 22.30 — Лирик концерт. **ИККИНЧИ ПРОГРАММА.** 11.25 — ТОШКЕНТ. 11.30 — Ўқув кўрсатувлари. 18.00 — МОСКВА. 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — Расмларда куёш акси бор. 19.30 — «Жасорат». 20.00 — Музикали кўрсатув. 20.30 — **Қуёшли чўлдаги саргузаштлар** (бадиий фильм). 22.00 — Ҳужжатли фильм. 22.30 — Олтин нота. **УЧИНЧИ ПРОГРАММА.** 18.55 — ТОШКЕНТ. 19.00 — Кинофильм. 19.15 — Телефильм. 20.30 — Тошкент янгиликлари. 20.45 — Симфоник оркестр чолғулари. 21.25 — Меҳнат байрами.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 10|IV да **Олтин девор**, 11|IV да **Аяжонларим.**

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА—10|IV да **Комедия, комедия, ёхуд ҳангома**, 11|IV да **Ҳалима**, 13|IV да **Қўлга тушмаган ўғрими.**

КИНО

БУГУН

Шаҳарликлар — «ЧАЙКА» (14.00, 18.00, 21.45), «ВОСТОК» (12.00, 14.00, 16.00, 18.00, 20.45), «МОСКВА» (10.00, 11.30, 13.00 16.30, 18.00, 19.30, 21.00).

Маҳфий полицияга ҳужум — «ҚОЗОҒИСТОН» (11.00, 18.00, 19.00), «ЎЗБЕКИСТОН» (10.00, 12.00, 14.00, 16.00, 18.00, 19.40, 21.30), «ДРУЖБА» (11.00, 12.00, 19.00, 21.00).

Дерсу Узала — «ҚОЗОҒИСТОН» (13.00, 16.00, 20.00), «ДРУЖБА» (13.00, 14.00, 16.00, 17.00, 20.00).

Мени севган ва унутмаган нишлар — «ЧАЙКА» (12.00, 16.00, 20.00), «НУКУС» (11.00, 13.00, 15.00, 17.00, 19.00, 20.45).

Шаҳарлар ва йиллар — САНЪАТ САРОЙИ (11.00, 13.30, 16.00, 18.30, 20.45).

Сўнқ оёқ — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (10.00, 12.00, 14.00, 16.00, 18.00, 20.00).

Фавқулодда ҳодиса — НАВОИЙ номли (11.00, 14.00, 17.00, 20.00).

Алло, такси! — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (12.00, 14.00, 16.00, 18.00, 20.00, 21.30).

Моҳир учувчи (11.00, 13.00, 15.00), **Мақсад сари** (17.00, 20.00): — «МИР».

Саҳро ва чангалзорларда — ҲАМЗА номли (11.00, 14.00, 17.00, 20.00).

Севишганлар ҳақида романс — «МОСКВА» (14.30).

Уз зиммамга оламан — С. РАҲИМОВ номли (12.00, 14.00, 16.00, 18.00, 20.00, 21.30).

Ҳўрланганлар — «ТИНЧЛИК» (12.30, 15.30, 18.30, 21.30).

Анна ва командор — Г. ҒУЛОМ номли (11.00, 13.00, 15.00, 17.00, 19.00, 20.00).

Финист-сарлочин (11.00, 13.00, 15.00), **«Ы» операцияси ва Шурикнинг бошқа саргузаштлари** (17.00, 19.00, 21.00): — «ПИОНЕР».

ТОШКЕНТ ХАҚИҚАТИ («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»).
Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана и областного Совета депутатов трудящихся
БИЗНИНГ АДРЕС: 700029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 ТЕЛЕФОНЛАР коммутатор — 330249 дан 330258 гача, Эълонлар — 338142.

Р—14452. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64633. В. 2528.